**МАҲСУЛОТИМИЗНИ ХОРИЖДА ҲАМ БИЛИШАДИ**
Яқинда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан ҳам бир гуруҳ тадбиркорлар келиб шартнома тузиб кетишди 3 бет

**ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ**
Ҳашарга, асосан, ёшлар жалб этилди. Маҳалламиз ёшлари меҳнаткаш, ғайратли. 6 бет

**МУСИҚА КЎНГИЛНИ ПОКЛАЙДИ**
Мамлакатимизда мусиқа ва санъат соҳасида бир йилда ўртача 50 га яқин кўрик-танлов, фестивал ва кўргазма ташкил этилса, 1000 га яқин оммавий томоша тадбири ўтказилади. 8 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

13 (719)

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 1 апрель. Пайшанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, жорий йил 29 март куни Москва метросида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлгани муносабати билан Россия Федерацияси раҳбарияти ва халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирди. Президентимиз Ўзбекистон–Россия муносабатлари ҳақида тўхталар экан, бу муносабатлар кўплаб соҳаларда юксак даражада барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

"Халқларимиз ўртасидаги узоқ тарихга эга анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистонда юксак қадрланади. Ўзбекистон Россия билан икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳали тўла ва самарали фойдаланилмаётган улкан салоҳиятини ишга солишга доимо тайёр. Шу боис ҳукуматлараро комиссиянинг бу галги мажлисини ҳамкорликнинг икки томон ҳам манфаатдор бўлган стратегик муҳим йўналишларини белгилаш учун яхши имконият, деб биламиз", деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик машинасозлик, энергетика, электротехника ва фармацевтика соҳаларини қамраб олган. Бунда нефть-газ, тоғ-кон ва металлургия саноати устувор йўналиш этиб белгиланган. Телекоммуникация, кимё, қурилиш, тўқимачилик ва сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд.

Икки томонлама келишувга биноан, истиқболли йўналишларни ўзаро ҳамкорликда ривожлантириш имкониятларини белгилаб берадиган Ўзбекистон–Россия ҳукуматлараро комиссияси фаолият юритмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Сергей Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифига тайёргарликнинг боришига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЯНГИ РУКН:

## МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МЕНИНГ ҲИССАМ

Ватанимиз Истиқлолга эришгандан сўнг ўтган ҳар бир йил юртимизда улкан ютуқлар, халқимиз ҳаётидаги буюк ўзгаришларга бой йил сифатида тарих саҳифаларига муҳрланмоқда. Бунёд этилаётган замонавий иншоотлар, аҳоли фаровонлигининг ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг янгича қиёфа касб этаётганини бугун қалб қўримиз билан ҳис этиб турибмизки, унинг муждалари халқимиз шижоатида, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод саъй-ҳаракатида акс-садо бермоқда.
Маҳаллаю гузарларни обод этиш иштиёқи билан меҳнат қилаётган фаоллар, иқтидори туфайли дунё майдонларида Ватан байроғини баланд кўтараётган баркамол авлод вакиллари, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшаётган ишбилармонлару тадбиркорлар, ҳунармандлар фаолиятида ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин. Улар том маънода мустақилликни мустаҳкамлаётган, Ўзбекистон номини улуғлаётган элимизнинг фидойи фарзандлари. Ана шу фарзандлар ҳақида ҳикоя қилишни режалаштирган мазкур рукнимизни куни-кеча Президентимиз совринi учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган ёш ва навқирон юртдошларимиз фикрлари билан бошладик.


© фото-Носир Ҳайдаров

## Истеъдодга бойдир бу ўлка

**Эркин Тўхтаев, «Турон-Бунёдкор-Қурилиш» инжиниринг компанияси раҳбари, "Ташаббус – 2010" кўрик-танловининг "Энг яхши тадбиркор" йўналиши ғолиби (Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани).**
— Бугун юртимизнинг шаҳару қишлоқларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган қулай шароит ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, биз ҳам ана шу йўналишда фаолиятимизни бошлаган эдик. Дастлаб 4 киши иш бошлаган корхонада ҳозир 99 нафар ходим меҳнат қилмоқдамиз.
Вилоятимизда қад ростлаётган қатор мактаблар, лицей ва коллежлар, маҳалла гузарлари қурилишида корхонамиз фаол иштирок этиб келаётир. "Тайёр ҳолда топшириш" шарти билан бунёд этилаётган уй-жойлар ва ижтимоий объектлар буюртмачиларимизга катта қулайлик яратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдамиз.

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ > [4]

# Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

**Пойтахтимизда** 31 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон–Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.
Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, нефть-газ, мудофаа, банк-молия, савдо-саноат, геология, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, авиасозлик, машинасозлик ва гуманитар соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.
Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия ҳамраиси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.
Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. 2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони саккиз юздан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юз элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади.

**Мажлисда** томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи, авиасаноат, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.
— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари турли йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Сергей Иванов. — Ўзбекистон Россиянинг ташқи савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**



## Республикамиз маҳаллаларида

# Наврўз шодиёналари

**Халқимизнинг** меҳр-муҳаббат, садоқат, эзгулик байрами — Наврўз республика миқёсида кенг нишонланди. Хусусан, қорақалпоқ элида ҳам бу тантана кўтаринки руҳда ўтди.
«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, ҳомий ташкилотлар, йиғин мутасаддилари, фаоллар томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳолидан хабар олиниб, улардан 3863 нафарига 3 миллион сўмга яқин, 706 нафар ёлғиз қария, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга жамғарма ҳисобидан 6,5 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

**Андижон** вилояти Андижон тумани Жалақудуқ қишлоғидаги маҳалла гузарларида эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари остида байрам тантанаси бошланиб кетди. Ташкилий ишларга маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари бош-қош бўлишди. Айниқса, «Янгисор» маҳалла гузари гуллар бўйига бурканди. Каштачилик, зардўзчилик буюмлари, ҳунармандчилик ишлари ва чеварлар тиккан либослар намойиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.
Шунингдек, Пахтаобод туманидаги «Гулистон-Пастқишлоқ» маҳалласи аҳли байрамни қадимий анъана асосида — «Қўш оши» маросими билан кутиб олишди. Андижон шаҳридаги Охунбобоев маҳалласида шу куни йиғин фаоллари, ҳомийлар томонидан вилоят марказидаги «Болалар шаҳарчасида» тарбияланаётган 4 нафар болакайнинг хатна тўйи ўтказиб берилди. Тўйболаларнинг ҳар бирига ҳомийлар томонидан кийим-кечаклар ҳадя қилинди.

**Бухоро** вилояти Жондор туманидаги Навробот қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Рамазон Шарипов болаликдан ногирон. Шундай бўлса-да, унинг ўқишга бўлган иштиёқи баланд. Айни пайтда уйида таълим олаётган Рамазон она тили ва адабиёти, информатика фанларига жуда қизиқади. Наврўз байрами кунларида илк мучал ёшини нишонлаётган Рамазон учун «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ажойиб совға тақдим этди.
Гап шундаки, жамғарманинг Бухоро вилояти бўлими раиси Беҳбуд Жумаев ва фаоллар байрам арафасида Рамазоннинг уйига ташриф буюриб, уни ва оила аъзоларини айём билан қутлаб, йигитчага компьютер жамланмасини совға қилишди. Байрам куни яна бир нечта кам таъминланган оила фарзандларига эсдалик совғалари топширилди.

**Эрта тонгдан** Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдони узра ажиб наволар янгради. «Ёшлар шаҳарчаси», «Ўрда экологик боғи», «Истиқлол» истироҳат маскани ҳамда «Боғишамол» дам олиш мажмуалари одамлар билан гавжум бўлди. Айёмда вилоятдаги ҳар бир маҳалланинг ўз тарихидан келиб чиқиб тайёрлаган байрам дастури барчани хушнуд этди. Воҳа ҳунармандлари томонидан ярмаркага чиқарилган турли буюмлар, асбоб-ускуналар ҳам кишиларни беэътибор қолдирмади. Дорбозлар, қизиқчилар ва спортчиларнинг саҳна чиқишлари сайлларнинг кўтаринки руҳда ўтишига омил бўлди. Айём иштирокчилари дошқозонларда тайёрланган жиззахча ош ва баҳор неъматлари билан сийландилар.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

## ҲАМКОРЛИКДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

**фуқаролар турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилади**

— Маҳалламиз, асосан, кўпқаватли уйлардан ташкил топган, — дейди пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Роҳат" маҳалласи оқсоқоли Атовулла Саидазизов. — Аҳолини эзгу мақсадлар сари бирлаштирадиган, хайрли ишларга чорлайдиган энг муҳим тузилма бу — йиғин ҳисобланади. Йиғиннинг асосий кўмакчилари эса маҳалла фаолларидир. Шу боис, ҳар бир оқсоқолу маслаҳатчидан, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтиришда, аввало, ташаббускор ва ташкилотчи бўлиш талаб этилади. Шундагина раис аҳолини бир ёқадан бош чиқариб ишлашга чорлайди, эзгу ишлар сари эргаштира олади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ҚИШЛОҚДА САНОАТ

# Ноёб кичик корхона

Қишлоқда саноатни ривожлантириш, ноёб турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш иқтисодий муаммоларни самарали бартараф этишда муҳим ўрин тутади. Шу боис, юртимизда мустақиллигимизнинг илк йиллар469 иданоқ бу масалага жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, биргина Самарқанд вилоятида бугунги кунда 37200 нафар тадбиркор фаолият юритмоқда. Ўтган йили хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 71,2 фоизни ташкил этди.

**Муҳими,** тадбиркорлар нафақат даромад олишмоқда, балки иш билан таъминлашда ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётир. Ана шундай тадбиркорлардан бири Жомбой туманидаги Аҳмаджон Қурбонов номидаги маҳаллада ишга туширилган «Ургут — Латекс — Пасаргад» Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси раҳбари Муродулла Ибодуллаевдир. У аксарият ишбилармонлар танлайдиган анъанавий маҳсулотларни тайёрлаш йўлидан бормади. Натижада нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона енгил саноат учун елим ишлаб чиқарадиган корхонага асос солди.

**У аксарият ишбилармонлар танлайдиган анъанавий маҳсулотларни тайёрлаш йўлидан бормади. Натижада нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона корхонага асос солди.**

— Корхонани ташкил этиш учун ҳамкорларимиз томонидан 100 минг АҚШ доллари баҳосидаги жиҳозлар келтирилди, — дейди М.Ибодуллаев. — Айни пайтда бир иш кунида 3 тонна елим тайёрланмоқда. Бу бир кеча-кундузда 9 тонна демакдир. Маҳсулотдан асосан турли хилдаги гиламлар тайёрлашда фойдаланилади. Елим корхоналарга шартнома асосида сотилмоқда. Келгусида қурилишбоп, ПФА елимлари, ацетон ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Ҳозир хомашёнинг 70 фоизи ҳамкорларимиз томонидан келтирилмоқда. Таъсисчи ҳамда мутахассислар маҳалла ёшларидан саккиз нафарига цехдаги асбоб-ускуналардан самарали фойдаланишни ўргатишди. Кечагина шогирд тушганлар бугун малакали ишчи, ҳатто ускуналар таъмирчисига ҳам айланиб улгуришган.

**Таъкидлаш лозимки,** корхонада ишчилар учун қулай меҳнат шароити яратилган: улар махсус кийим-бош ва бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Ювиниш, дам олиш хоналари улар хизматида. Айни кунларда корхонада фаолиятни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишга жиддий киришилган.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

# Ҳамкорликда эришилган натижалар

## фуқаролар турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилади

< [1]

**Бугун юртимизда** фаолият олиб бораётган ҳар бир фуқаролар йиғинлари фаолиятида эришилаётган ютуқларда турли усулу йўналишлардан фойдаланилаётгани ва уларнинг энг мақбул, самаралилари маҳаллалар ўртасида кенг оммалаштирилаётгани эътиборга лойиқ. Бир маҳаллада ташкилотчилик, ташаббускорлик устун бўлса, бирида йўлга қўйилган мустаҳкам ҳамкорлик муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

— Маҳалламиз, асосан, кўпқаватли уйлардан ташкил топган, — дейди пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Роҳат" маҳалласи оқсоқоли Атовулла Саидазизов. — Аҳолини эзгу мақсадлар сари бирлаштирадиган, хайрли ишларга чорлайдиган энг муҳим тузилма бу — йиғин ҳисобланади. Йиғиннинг асосий кўмакчилари эса маҳалла фаолларидир. Шу боис, ҳар бир оқсоқолу маслаҳатчидан, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтиришда, аввало, ташаббускор ва ташкилотчи бўлиш талаб этилади. Шундагина раис аҳолини бир ёқадан бош чиқариб ишлашга чорлайди, эзгу ишлар сари эргаштира олади. Ҳар куни эрта тонгдан идорага келиб, фаоллар билан кенгашган ҳолда бажаришимиз лозим бўлган ишлар режасини тузамиз. Тажрибамдан биламанки, режа пухта ва мукаммал тузилса ва унинг ижроси вақтида таъминланса, ўша жойда фаолият ўз маромида кетаверади. Кунлик иш режамиздан, аввало, маҳалла, хонадонлар, атроф-муҳит, кўчаю йўлакчаларни тозалаш ишлари ўрин олади. Сўнгра аҳолини бирдамликка даъват этиш ниятида турли кўрик-танловлар, тадбирлар, спорт мусобақаларини уюштиришга киришамиз. Бунда "Камолот" ЁИҲ туман бўлими, 293-мактаб маъмурияти, 580-мактабгача таълим муассасаси мутасаддилари бизга доимий кўмакдош. Ўсмирлар футбол жамоаси ёшлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, уларни жисмонан чиниқтиришга хизмат қилаётир. Ҳудуддаги кўпчилик оилалар спорт ва эрталабки бадантарбия машғулоти билан шуғулланишни канда қилмайди. Бу эса келгусида жисмонан бақувват ёшларни камол топтиришда муҳим омил бўляпти.

— Тўй-маъракаларни тартибли, камчиқим тарзда ўтказишни йўлга қўйиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинган, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Ҳалима Йўлдошева. — Сир эмас, айрим жойларда оила қураётган ёшлар "мода" ортидан қувиб, тўй куни ярими очиқ, "прокат"га олинган келинлик либосини кийишни одат қилишган. Кўпчилик кийган либосдан фойдаланиш эса гигиена қоидаларига зид. Зеро, бундай ҳолатлар бизнинг миллий менталитетимизга, урф-одатларимизга ҳам тўғри келмайди. Шу боис, бу муаммони бартараф этиш мақсадида қиз-жувонлар учун миллий келинлик либосларини тикишни йўлга қўйдик ва бу либосни тўй-маросимларда кийишни тавсия этяпмиз.

**Дарҳақиқат,** пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Найман" маҳалласи фаоллари ҳам бу борадаги ишларни самарали йўлга қўйишган.

— Тўю маъракаларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказишнинг фойдали жиҳатлари хусусида аҳоли ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаётир, — дейди йиғин раиси Олтиной Кенжабоева. — Эътиборлиси, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш ниятида "Нуронийлар кенгаши"ни туздик. Кенгаш аъзолари ёши улуғ, кўпни кўрган отахону онахонлар. Кенгаш ҳамда йиғин қошидаги комиссиялар аъзолари ёрдамида дабдабали тўй ўтказишнинг олди олинаётир. Фаолиятимизда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш муҳим омил ҳисобланади. Ҳамкорликдаги иш бесамар кетмайди. Маҳаллада адо этилиши лозим бўлган айрим хайрли ишларни ҳамкор ташкилотлар кўмагида бажарамиз. Масалан, аҳоли ўртасида "Одам савдосига қарши курашамиз", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Диний экстремизмнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш чоралари" каби тадбирларни, албатта, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан, "Соғлом она — соғлом бола", "Саломатлик сирлари", "Қонуний никоҳнинг афзал жиҳатлари", "Тиббий кўрик — муҳим тадбир" сингари маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга тадбиру давра суҳбатлари туман ФҲДЁ бўлими ходимлари, оилавий поликлиниканинг шифокорлари, мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда ўтказилади.

**Йиғин раисининг айтишича,** ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирларда бевосита ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этади ва ўз мутахассисликлари бўйича аҳолига кенг тушунча ва тавсиялар беради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳудудда кам таъминланган оилалар сони тобора камайиб бораётир. Чунки маҳалла туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда иш юритади. Марказ ходимлари кўмагида меҳнат ярмаркалари ташкил этилади. Натижада, коллеж битирувчилари, меҳнатга лаёқатли кишилар ишга жойлаштириляпти. Қувонарлиси, йиғин қошидаги Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси аъзолари уй бекаларининг касаначилик билан шуғулланишларига кўмак бераётир.

Мухтасар қилиб айтганда, аҳоли ўртасидаги аҳиллик, бирдамлик ва маҳалланинг тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари, қолаверса, илғор тажрибаларнинг оммалашуви фуқаролар турмуши фаровонлигини оширишга, йиғинлар фаолиятини жонлантиришга, уларнинг мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**



**Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Мухтора М.З.Х.М" фермер хўжалигида икки юз бош қорамол парваришланмоқда.**

Фермер хўжалиги жамоаси зотдор қорамолларни кўпайтириш, яхши парваришлаш ва ўз вақтида ем-хашакларни жамғаришга алоҳида эътибор беради. Айни кунда бу ерда Германиянинг замонавий технологиялари асосида кунига бир тонна сут қайта ишланаётир. Саккиз хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқараётган мазкур фермер хўжалиги маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб бормоқда.

**СУРАТДА:** *фермер хўжалиги ишчиси Алишер Тўхтасинов.*

**М.Қодиров (ЎзА) олган сурат.**

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Фош бўлган иғво

Одамнинг оласи ичида бўлади, деганлари рост экан. Ҳаёт синовларида тобланган бу ҳақиқат Жиззах вилоятининг Зарбдор туман суди томонидан кўрилган жиноят ишида яна бир бор исботини топди.

Асли Фарғонанинг Бешариқ тумани Рапқон қишлоғида туғилиб ўсган, уч фарзанднинг отаси, йигирма етти баҳорни қаршилаган Насибали Собиров 2009 йилнинг март ойида Зарбдор туманидаги "Ясная поляна" фермер хўжалигидан ижарага ер олиб, сабзавот экинларини етиштира бошлайди. Атрофида ўзига ўхшаб мавсумий деҳқончилик билан шуғулланиб юрган оилалар талайгина экан. Насибали аста-секин улар билан танишди. Бири вилоятнинг чекка бир туманидан, яна бири эса узоқ Сурхондарёдан бўлиб, ҳар йили эрта баҳордан то кеч кузгача оиласи билан шу ерда деҳқончилик қилар экан. Бирови пиёз етиштирса, яна бирови боғбонлик қилар, яна бирови эса фермер хўжалигининг молларини боқиш билан овора эди. Ҳаммаси содда, тирикчиликдан ўзга ташвиши йўқ кишилар экан. Аввалига Насибали ҳеч кимга қўшилмай, ижарага олган ерида тинмай ишлар, беш вақт намозни ҳам канда қилмай ўқирди. Насибалига ён-атрофдагилар бошқача кўз билан қарашди. Уни ҳам ўзларига ўхшаган соддадил, тоза феълли инсонлар тоифасидан, деб билишди, у билан кўпроқ суҳбатлашишга интилишди.

**Ўтиришларнинг** бирида Насибали суҳбатдошлари Н.Камолов ва Ж.Ўсаровларга ислом дини тўғрисида гапирди. Кейинги суҳбатлар мавзуси эса Ўзбекистонда халифалик давлатини қуриш ва бунинг учун жиҳод қилиш шартлигига бориб уланди. "Мана буни бир эшитиб кўринглар", — деб ёнидан бир дона диск чиқариб узатди Насибали. Ўша куни кечқурун Ж.Ўсаровнинг чайласида Н.Камолов, укаси П.Камоловлар учаласи дискни эшитиб кўришди. Унда нотаниш одам қандайдир халифалик қуриш ва бу йўлда жиҳод қилиш ҳар бир мусулмон киши учун фарзлиги, умумхалқ байрамларини нишонламаслик лозимлиги тўғрисида маъруза қиларди. Эртасига дискни қайтариб олар экан, Насибали яна кечаги "ваъзи"ни давом эттирди. "Бизнинг чет элда биродарларимиз бор, керак бўлса улар маблағ ҳам беришади", — дея ўтирганларни ўзига қаратиб сўзлай бошлади. Ўзларига яқин олиб юрганлар Насибалининг асл қиёфасини кўришгач, секин-аста ундан узоқлаша бошлашди. Н.Камолов ва Ж.Ўсаровлар унга қулоқ осмагач, Насибали қўшни фермер хўжаликда боғбонлик қилиб юрган Д.Мелибоевни аврай бошлайди. Унга ҳам Ж.Ўсаров ва Н.Камоловларга айтган ақидаларини такрорлайди ва эшитиб кўриш учун дискни ҳам беради...

**Яхшиямки,** орамизда ҳушёр, ён-атрофга теран кўз билан қарайдиган, ғаламис кимсаларнинг ғараз мақсадларини англаб етадиган кишилар кўп. Уларнинг кўрсатган ҳушёрликлари сабабли, Н.Собировнинг ҳатти-ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйилди. У вақтинча яшаб келаётган жойдан топилган аудиоёзув экспертиза хулосасига кўра диний экстремистик мазмунда бўлиб, республикамиз ҳудудида тарқатиш, сақлаш тақиқланади.

Суд Н.Собировни Жиноят кодексининг Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш моддаларида кўрсатилган жиноят содир этганликда айбдор деб топди ва тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

**Бугун** юртнинг қай бир гўшасида бўлманг, ватандошларимизнинг яратувчанлик завқи билан яшаётганига гувоҳ бўласиз. Кимдир боғ барпо қилган, яна қай бир саховатпеша тадбиркор келажак авлод учун мактаб қурган, меҳрга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатган. Шаҳарларимиз чиройига чирой қўшаётган бинолар, равон кўчалар, улкан кўприкларни кўриб, осойишталикнинг улуғ неъмат эканлигини юракдан ҳис қилади киши. Бироқ, юртимизда беқарорлик, нотинчлик бўлишидан манфаатдор бўлган, панапастқамларда писиб юрган кучлар ҳам борки, баъзи ҳамюртларимизни ўз таъсирига олиб, улар орқали турли бўҳтон ва иғволар тарқатиш пайида бўлмоқда, осойишталикни бузишга уринмоқда. Н.Собиров каби онги заҳарланганлар ғараз ниятли кучлар қўлида бир қўғирчоқ эканлигини тушуниб етсалар, нур устига аъло нур бўларди.

**Ш.ШАРИПОВ**



Республикамиз маҳаллаларида

# Наврўз шодиёналари

< [1]

**Қашқадарё** вилоятидаги барча қишлоғу маҳаллалар сингари Деҳқонобод туманидаги Оқиртма қишлоғининг ям-яшил, сўлим кенгликларида суюкли айём — Наврўз кенг нишонланди. Миллий урф-одатимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган бу байрам тантанасида оқиртмаликлар билан бирга, вилоят ва туман ҳудудидаги қишлоқ, маҳаллалар аҳли ҳам иштирок этишди. Байрам қатнашчиларига дошқозонларда ош ва баҳорда пишириладиган тансиқ таомлар тортиқ қилинди. Дастурдан ўрин олган концерт ва бахшию шоирларнинг саҳна чиқишлари одамларга чексиз завқ-шавқ бағишлади. Ям-яшил, кенг адирда миллий спортнинг кураш, арқон тортиш, чиллик, арғимчоқ ўйинлари, шунингдек, футбол ва волейбол мусобақалари ўтказилди. Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Турли** миллатга мансуб навоийликлар ҳам бу айёмни кўтаринки руҳда кутиб олишди. Аввало, вилоятнинг барча ҳудудлари саранжом-саришта қилинди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Айём арафасида вилоятдаги шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, бу навоийликларнинг Наврўзга хос азалий одатларидан. Жойларда турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконларининг фойдаланишга топширилгани маҳалладошлар кайфиятига кўтаринкилик бахш этди. Шодиёна куни маҳаллаларда истиқомат қилаётган 6 мингдан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож инсон, ногиронлар, якка-ёлғиз ва кам таъминланган, кўп болали оилаларга "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими томонидан 11 млн. сўмдан ортиқ, ҳомийлар ҳисобидан 40 млн. 300 минг сўмлик моддий ва маънавий ёрдам уюштирилди.

**Наманган** вилоятида ҳам ушбу айём кенг нишонланди. Навбаҳор стадионида бўлиб ўтган байрам тантанаси вилоятнинг барча шаҳар ва туманларига кенг ёйилди. Санъат усталарининг баҳорни, Наврўзни, она-Ватанни улуғлаган дилрабо куй ва қўшиқлари, жозибадор рақслари халқ сайлларига уланиб кетди.

Айниқса, Наманган шаҳридаги Бобораҳим Машраб номидаги боғда 150 дан зиёд меҳнат ва ўқув муассасалари томонидан ташкил этилган кўргазмалар наманганликлар қалбига чинакам байрамона кайфият улашди.

Кун бўйи давом этган сайилда миллий халқ ўйинлари, дастурхон безатиш, энг завқли бадиий ижро, моҳир пазандалик йўналишларида танлов ва мусобақалар ўтказилди. Тўрақўрғон шаҳарчаси аҳли эса Наврўзни қўшалоқ шодиёна сифатида нишонлади. Байрам арафасида бу ерда «Денгиз» савдо мажмуаси, шунингдек, бир нечта дўкон, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, китоб дўкони, касаначиликка ихтисослашган кичик корхонанинг фойдаланишга топширилиши 110 та янги иш ўрни яратилишига имкон туғдирди.

**Самақанд** шаҳридаги Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғи тонгданоқ хуш кайфиятли меҳмонлар, нуронийлар, ёшлар, илм аҳли билан гавжум бўлди. Санъаткорларнинг чиқишлари, фольклор-этнографик гуруҳларнинг бетакрор ижролари, ҳазил-мутоибалар, айтишувлар, лапарлар байрамга кўтаринкилик бағишлади. «Гуллар байрами», «Қушлар байрами» тадбирларини айтмайсизми?

— 11-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёздик, — дейди «Коммуналчи» акциядорлик жамияти директори ўринбосари Ўктам Каримов. — Бундан болажонларнинг мамнунлигини юз-кўзларидан ҳам кўрса бўлади. Уларга совға-саломлар улашдик.

**Сирдарё** вилоятининг Мирзачўл туманида яшовчи фуқаролар байрам кунларида хайру саховат кўрсатишди. Баркамол авлод йили муносабати билан «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратишди. Ҳар бир туман ва шаҳардаги имконияти чекланган ва уйда ўқитишга жалб қилинган 5-9 синфлардаги 22 нафар ўқувчига компьютер туҳфа қилинди. Шунингдек, турли спорт мусобақалари, кўрик-танловларнинг ташкил этилгани барчада катта таассурот қолдирди.

**Наврўз** кунлари Сурхоннинг кенг адирликлари томон ўтсангиз бир ёқда кураш тушаётган маҳалла полвонлари, бошқа бир томонда эса чопағон отларнинг кишнаши, ўртага ташланган улоқни айириб чиққан чавондознинг ҳайқириғи диққатингизни тортади. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари барчани маданият ва истироҳат боғлари томон чорлади. Наврўзга бағишланган асосий байрам тадбирлари Термиз шаҳридаги Амфитеатр мажмуасида бўлиб ўтди. Унда фольклор-этнографик дасталару халқ бахшиларнинг чиқишлари сурхон элининг ўлмас урф-одатларию анъаналарини, қолаверса, озод ва обод Ватанни мадҳ этди. Шунингдек, Наврўзга бағишлаб ўтказилган сайллар, турли кўргазмалар, миллий халқ ўйинлари сурхонликлар қалбига баҳорий илиқлик олиб кирди.

**«Маҳалла»** жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташаббуси билан вилоят маҳаллаларида умргузаронлик қилаётган юз ёш билан юзлашганлар рўйхати тузилган эди. Байрам айёми куни улардан 110 нафарининг ҳолидан хабар олиниб, гилам ва бошқа эсдалик совғалари ҳадя қилинди.

— Маҳалламизда юз ёш билан юзлашган онахонлардан бири Ария Қурбоналиева истиқомат қилади, — дейди Қибрай тумани Оққовоқ қишлоғидаги «Дархон» маҳалласи оқсоқоли Илёс Омонуллаев. — Наврўз айёми арафасида безатилган байрам дастурхонига уларни ҳам таклиф этиб, жамғарма мутасаддилари ва йиғин фаоллари томонидан совға-саломлар улашилди.

Дарҳақиқат, қарияларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик, аслида, халқимизга хос фазилатлардандир.

**Эрта тонгдан** Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғиноний номидаги маҳалла аҳли байрамни миллий урф-одатларимиз ва удумларимизнинг гўзал намойишига айлантириш мақсадида катта дошқозонда сумалак пишириш, кўк чучвара, кўк сомса, баҳорий таомлар тайёрлаш, маҳалла марказидаги новвойхонада кунжутли нон ёптириш, бир сўз билан айтганда, 300 кишига мўлжалланган катта байрам дастурхонини ёзишди. Созандаю хонандалар она-Ватанни мадҳ этувчи миллий куй-қўшиқлари, ижодий дастурларини намойиш этишди.

Қувонарлиси, хусусий тадбиркор Қудратилло Жалолов замонавий типдаги маҳалла марказини қутлуғ айём куни маҳалладошларига топширди.

**«Маҳалла»** жамғармасининг Хоразм вилоят бўлими ташаббуси билан воҳанинг чекка ҳудуди — Тупроққалъа массивида санъаткорлар, ижодкорлар билан учрашув ташкил этилгани тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бахш этди. Эътиборлиси, Боғот туманидаги Деҳқонобод қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ҳомийлар кўмагида шу куни кўнгли ярим ёш оилалардан бирининг никоҳ тўйи ўтказиб берилди. Шунингдек, Қўшкўпир туманидаги Хадра қишлоғи «Отаниёз» фермер хўжали раҳбари Гулбаҳор Хўжаева ташаббуси билан ҳудуддаги 7 нафар ногиронга совға-саломлар улашилди.

**Пойтахтимиздаги** барча маҳаллаларда байрам ўзига хос тарзда нишонланди. Шу куни барчанинг қалбида қувончу ҳаяжон, юзларида табассум балқиди.

Айёмни янада эсда қоларли, қизиқарли ўтказиш мақсадида маҳалла тадбиркорлари, моҳир пазандаларию тикувчилари ўртасида кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада тадбиркорлар ўз томорқаларида етиштирган помидор, бодринг, энди пишиб етилаётган анжир, анор сингари ҳўл меваларни, моҳир пазанда аёллар пиширган тансиқ баҳор таомларини, қўли-гул касаначилар эса ўзлари тиккан либослар, турли қўғирчоқ-ўйинчоқларни намойиш этишди.

Тадбир сўнгида спорт мусобақаси ҳамда кўргазма ғолиблари ҳомий ташкилотлар, йиғин фаоллари томонидан муносиб тарзда рағбатлантирилди.

**Мухбирларимиз**

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ



# Маҳсулотимизни хорижда ҳам билишади

Бухороликлар Шофирконадаги "Саврак" маҳалласини ҳунармандлар маскани сифатида алоҳида тилга олишади. Сабаби ҳududдаги мавжуд 778 оиланинг деярли барчаси бирор-бир ҳунарга ихтисослашган. Масалан, Нигора Ҳусенова оиласини олиб кўрайлик. Хонадон соҳибаси Нигора опа уста зардўз, патдўз сифатида ном қозонган. Матога зар иплардан турли хил шакллар, миллий нақшлар солиб ишлаган белбоғ, чойнакпўш, тўнларни кўриб, унинг маҳоратига қойил қоласиз. У нафақат вилоят, балки республикамиздаги ҳунармандлар орасида ҳам довруғ қозонган. Чунончи, у бир неча бор «Ташаббус» кўрик-танлови туман босқичида ғолибликни қўлга киритди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида эса пойтахтда ташкиллаштирилган "Қўли гулдир ўзбек аёлин", деб номланган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этди.

Нигора опа бундан беш йил муқаддам ҳудуддаги аёлларга ушбу ҳунарлар сир-асрорини ўргатиш ва уларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Устоз — шогирд" усулида махсус марказ ташкил этган эди. Бугунги кунда бу ерда 20 нафар хотин-қиз ҳунар ўрганиб, шу орқали хонадонлари моддий аҳволини яхшилаяпти. Айни пайтда ўзига хос цех кўринишига келган ушбу марказ ишчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Негаки, сифатли маҳсулотлар билан мижозлар ишончини қозонган Нигора опанинг зар тўни, белбоғларига нафақат вилоят, балки пойтахтда ҳам талаб катта.

— Яқинда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан ҳам бир гуруҳ тадбиркорлар келиб, биз тайёрлаган либосларни харид қилиш учун шартнома тузиб кетишди, — дейди Нигора Ҳусенова. — Бу миллий ҳунармандчилик маҳсулотларимиз хорижга ҳам чиқаётганини билдириши билан бирга, экспорт орқали яхши даромад олишга ҳам имкон яратади. Ишчиларга ҳақ тўлаш ишбай асосида йўлга қўйилган. Масалан, бозорда битта белбоғнинг нархи 10 минг сўм атрофида. Энди ҳисоблаб кўрайлик. Марказимиздаги аёллар кунига иккитагача белбоғ тика олишади. Агар шунинг 60 фоизини хом ашё учун чегириб қолинса, ҳар ойда ишчиларнинг соф фойдаси 240-250 минг сўмни ташкил этади.

**Айтиш жоизки,** Нигора опа ушбу ҳунари орқали ўз оилавий бизнесини ҳам йўлга қўйди. Қизи Нигина унинг ёнида туриб матога кашта солса, ўғли Шоҳнур тайёр маҳсулотларни мижозларга элтиб беради, буюртмалар қабул қилади, мато, зар, ип ва бошқа хомашёларни олиб келади. Ҳудудда Нигора опа сингари ўз тадбиркорлиги орқали оилавий бизнесини йўлга қўяётганлар талайгина. Аҳамиятлиси, бу каби кичик безнес субъектлари фаолиятини йўлга қўйишда маҳалла ҳам асосий ташкилотчилардан бири бўлаяпти. Чунончи, Насим Мўминов ўз маҳалласида новвойликни йўлга қўймоқчи бўлганида иш бошлашга маблағи йўқ эди. Искандар Ёдгоров бошлиқ маҳалла аҳли унга кўмакка келишди. Аввало маҳалла тавсияси асосида новвойхона қуриш учун ер ажратилди. Сўнгра «Микрокредит банк»нинг туман филиалидан иш бошлаш учун 12,4 минг сўмлик кредит олинди. Бунда ҳам маҳалла фаоллари тўлов кафолатини ўз зиммаларига олишди. Айни пайтда кунига минг дона ширмой нон тайёрлаётган ушбу корхонада тадбиркорнинг аёли Ҳиммат опа, ўғли Умиджон, қизи Нафисахондан ташқари, яна уч киши иш билан таъминланган. Тадбиркор келажакда новвойхона фаолиятини кенгайтириб, қолипли нонлар ишлаб чиқариш асосида маҳсулот турларини кўпайтириш ниятида.

Бугун маҳаллада тўйхона хизмати, гўзаллик салони, савдо, «Paynet» сингари аҳолига сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, томорқа ва фойдали меҳнат орқали 20 нафардан зиёд тадбиркор оилавий бизнесини йўлга қўйиб, хонадони тўкислигини таъминлашаётир.

**Дарҳақиқат,** шу йилнинг январь ойида Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида маҳаллани тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди. "Саврак" маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўрганиш жараёнида оилавий бизнесни шакллантириш борасида амалий ишларга қўл урилаётганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, фуқаро Исмоил Рамазонов ўз томорқасида иссиқхона барпо этаяпти. Назира Ашурова эса хонадонида чопондўзликни ташкил қиляпти.

**Бу эзгу ҳаракатлар** эртага, албатта, ўз самарасини беради: аҳолининг бандлик даражаси ортади, бозорлар тўкин, турмуш фаровон бўлади.

**Акбар РУСТАМОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

ОҚСОҚОЛНИНГ БИР КУНИ

# Элнинг раҳмати — улкан мукофот

**Бозорбой** ака йиғин идорасидан чиқиб, шошилиб кетаётганди, рўпарадан дастурхон, тугун кўтарган бир гуруҳ аёллар чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, Бозорбой ака, саломатмисиз? — Бир овоздан сўрашишди аёллар.

Бозорбой ака уларни яхши танимаса ҳам астойдил жавоб қайтарди:

— Ваалайкум ассалом, қизларим.

— Қани, ўғлим, маҳалламиз раисига бир салом беринг-чи! — Аёллардан бири қўлидан тутиб келаётган болакайни Бозорбой ака томон йўллади.

— Ассалому алайкум, тоғажон, — дея оқсоқолнинг рўпарасига келиб, қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан салом берди болакай.

— Сиз бориб оиламизни тиклаб қайтганингизда шу ўғлим қўлимда уч ойлик эди. Ҳозир унинг икки ёшли синглиси ҳам бор. Сизнинг ўша оғир кунда берган ёрдамингизни бир умр унутмайман, — дея миннатдорлик изҳор этди аёллардан бири Бозорбой акага.

**Бундай илтифотдан** сўнг оқсоқол бундан тўрт йил аввал келин билан куёв ўртадаги арзимаган келишмовчиликни деб ажрашишмоқчи бўлганини, қизнинг ота-онаси келиб, уни олиб кетишмоқчи бўлиб туришганида ўртага тушиб, низони ўз вақтида бартараф этганини эслади. Фаолияти давомида катта ҳаётий тажриба орттирган Бозорбой ака гапнинг нимадалигини билгач, оҳиста сўз бошлади:

— Қаранг, вақтнинг ўтишини, ўшанда онасининг қўлида гўдак бугун бурро тил билан салом бериб турибди.

— Яқинда шу ўғлимизга хатна тўйи қиламиз, ўзингиз бошида туриб, ўтказиб берасиз.

**Андижон** шаҳридаги «Деҳқонобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бозорбой Юнусов йигирма йиллик иш фаолиятида кўплаб оилаларни ажрашишдан сақлаб қолган. Шунданми, маҳалладошлари доим ундан миннатдор. Негаки оқсоқол Бозорбой Юнусов маҳалласи, оилалар тинчлигини, тотувлигини таъминлашда баҳоликудрат хизмат қилиб келаётир. У жанжал билан бирор иш битмаслиги, бордию низо юзага келса, оиладан файз-барака кетишини тушунтиришдан чарчамайди. Маҳалладошлари унинг гапларига қулоқ солишади. Ҳозир у Яраштириш комиссиясининг раиси сифатида ҳам турли оилавий келишмовчиликларни бартараф этишда фаол иштирок этаётир. Ҳар бир ишда унга Исомиддин Ғойибназаров, Комилжон Хўжаев, Абдуғани Ўринов, Муҳаббатжон Юсупова, Фазилатхон Холиқова каби кўпни кўрган отахон ва онахонлар ёрдам бериб келишаётир.

**Оқсоқоллар** ва кўчабошилар маҳаллада "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича олиб борилаётган ишларни муҳокама қилишаётганининг устидан чиқдик. Маҳалла эски шаҳарда жойлашгани учун бу ерда ҳунармандчилик ривожланган. Косиб Исроилжон Мадолимов, дурадгор Рустамжон Мадаминов, новвой Абдуғани Умаровлар ўзларига бириктирилган ёшларга меҳр билан ҳунар ўргатишаётир. Бекорчи ёшлар ҳунарманду косибларга, дурадгору ўймакор усталарга бириктирилди. Эндиликда улар ҳунар ўрганишга астойдил киришаётир.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан Суннатилла Неъматов кўчасида истиқомат қилаётган маҳалла аҳлига қулайлик яратилди. Гап шундаки, шаҳар газлаштириш идораси ҳамда фаоллар ёрдами билан 120 хонадонга табиий газ, 1300 метрга янги қувур тортилди. Натижада хонадонларда газ таъминоти яхшиланди. Бозорбой ака маҳалладаги серфарзанд, якка-ёлғиз, ногирон оилаларга кириб, газнинг босими меъёрида эканлигини кўриб, кўнгли хотиржам бўлгач, бошқа режалаштирган ишларни ўйлаб кетди.

**8,5 минг** нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган бу гавжум маҳаллада оқсоқолнинг ҳар бир куни ана шундай мазмунли, самарали ўтади. Маҳалладошлардан эшитган самимий раҳмат эса унинг учун улкан мукофотдир.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

БЎЛИНМА ФАОЛИЯТИДАН

# Устувор вазифаларга масъуллик

**Ангрен** — Тошкент вилоятидаги энг кўркам, саноатлашган шаҳарлардан бири. Айни пайтда бу ҳудудда истиқомат қилаётган 167 минг нафардан зиёд аҳоли шаҳар қиёфасини янада гўзаллаштириш ниятида тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Шаҳар ҳудудидаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари бундай хайрли ишларга бош-қош.

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида «Маҳалла» жамғармасининг Ангрен шаҳар бўлинмаси томонидан шаҳарчадаги барча маҳаллаларда аҳоли саломатлигини тиклаш, осойишталигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга мурувват ёрдамларини кўрсатиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ангрен шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний» жамғармаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш мақсадида ишлаб чиқилган махсус режа асосида ўтказилган тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўз самарасини бераётир.

**Мустақиллигимизнинг** 18 йиллиги муносабати билан шаҳардаги "Истиқлол" майдонида катта байрам тадбири уюштирилиб, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ва қатор ҳомий ташкилотлар томонидан ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, жисмоний имконияти чекланган инсонларга, уруш қатнашчилари, фахрийларга байрам совғалари улашилди. Рамазон ҳайити арафасида ҳам ҳудуддаги аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ангрен шаҳрида яшовчи 100 ёш билан юзлашган кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам ҳадялари топширилди. Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ҳам йиғин мутасаддилари, тадбиркорлар, ҳомийлар томонидан маҳаллалардаги ногиронларга эсдалик совғалари тарқатилди, жамғарма томонидан эса кам таъминланган, кўп болали оилалардан 6 нафарига бир бошдан қорамол ҳадя қилинди, олий ўқув юртларида шартнома асосида таълим олаётган талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бир йиллик шартнома пули тўлаб берилди. Ўтган вақт давомида ҳудуддаги 337 нафар кам таъминланган оилага моддий ва мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

**Айтиш жоизки,** ёш авлод тарбиясида спорт энг муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, оммавий спорт турларини, аввало, маҳаллаларда ривожлантириш айни муддаодир. Шаҳардаги барча маҳаллаларда спортнинг шахмат-шашка, енгил атлетика турлари бўйича ташкил этилган мусобақаларга 300 нафарга яқин ёш жалб қилинди. "Футболимиз келажаги" турнири ҳам қизғин кечди.

Шуниси эътиборлики, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун жамғарма томонидан "Боботоғ", "Жигаристон", "Облиқ", "Грум" сингари бир нечта маҳаллага компьютер жамланмалари ва мебель жиҳозлари олиб берилгани ходимлар фаолияти суръати ва сифатини оширишга хизмат қилаётир.

**Жорий йилда** ҳам шаҳар ҳокими таклифи билан маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг тўлиқ хатлови амалга ошириш борасида ўзини ўзи бошқариш органлари, шаҳар халқ таълим бўлими ходимлари, маҳалла профилактика нозирлари, маҳалла патронаж ҳамширалари билан биргаликда фуқаролар турмуш шароити, ёлғиз қарияларни аниқлаш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, коммунал тўловлардаги қарздорликларни бартараф этиш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш тўғрисида маҳалла оқсоқолларига тавсиялар бериб борилаётир. Албатта, бу борада зарур шарт-шароитлар, имкониятлар ҳам яратилаётир.

**Зикирилла ҚОДИРОВ,**
**"Маҳалла" жамғармасининг Ангрен шаҳар бўлинмаси раиси.**

САРДОР МАҲОРАТИ

# ЖАМОАТ тузилмаси чилик эътиборида



Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Абдулла Авлоний номидаги маҳаллага ташриф буюрганимизда йиғин идораси яқинидаги майдончада ёшларнинг футбол ўйнаётганига гувоҳ бўлдик. Ўйинни кузатаётганлар орасида "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардори Асқар Маннопов ҳам бор экан. У бизнинг шу ерлик эмаслигимизни пайқади, шекилли, ўзини таништиргач, қандай хизмат билан келганимизни суриштирди. Ташрифимизнинг сабабини билгач, бизни футбол майдончаси сари чорлади.

— Маҳалла болаларининг спорт билан шуғулланаётганини кузатиш жону дилим, — дейди сардор А.Маннопов. — Чунки спорт ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишида муҳим омил саналади. Маҳалладаги болаларни бекор юрмай, спорт билан шуғулланишга жалб этишимизнинг боиси шунда. Чунки ёшлар бўш вақтдан унумли фойдаланишса, турли иллатлар домига тушиб қолмайди. Баъзилар ёшларни спортга жалб этиш сардорнинг вазифаси эмас, деб ўйлайди. Лекин маҳаллани катта бир оила, деб ҳисобласак, бу ерда рўй бераёган жараён ҳар бир маҳалладош ҳаётига бевосита таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Шу боис, сардорлар фақат тартиббузарлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиб қолмасдан, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириши, амалий ишларга бел боғлаши, турли кўнгилсизликларни келтириб чиқарадиган иллатларнинг олдини олишга интилиши зарур. Шу тариқа зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни бажаришда ижобий натижаларга эришамиз. Маҳалла ёшлари ўртасида шахмат-шашка, футбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича тез-тез мусобақалар ўтказиб турилиши натижасида маҳалламиздан кураш ва енгил атлетика бўйича республикамизда ва жаҳонда биринчиликни қўлга киритган спортчилар етишиб чиққан.

**Абдулла Авлоний** номидаги маҳалла бозорга яқин ҳудудда жойлашгани учун кечаю кундуз бу ерга келиб-кетувчиларнинг қадами узилмайди. Ким қаерда, нима иш билан машғул — буларнинг барчаси маҳалла сардорининг назаридан четда қолмайди. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1918 та оилада 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. А.Маннопов ҳар бир оиланинг аҳволидан яхши хабардор. Бугунги кунда ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада жиноятчиликка деярли барҳам берилди. Вояга етмаганлар иштирокида қонунбузарлик ҳолати қайд этилмади. "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сафидаги 6 нафар посбон ҳудуддаги милиция таянч пункти билан биргаликда аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида доимо ҳушёр фаолият олиб боришмоқда. Кейинги пайтларда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг хориж мамлакатларига ишлаш учун чиқиб, алданиб қолиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Шу сабабли маҳалла ҳудудида тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

— Маҳаллада олиб бораётган барча ишларимизда сардор Асқар Маннопов ва «Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси аъзолари фаоллик кўрсатишаётир, — дейди Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбаҳор Ҳасанова. — Бугунги кунга қадар уларнинг ташаббуси билан маҳалладаги оилалар ва ҳудудимиздаги таълим муассасалари иштирокида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказдик. Масалан, яқинда ҳудудимиздаги 328-сонли мактабда "Уч авлод учрашуви"ни ташкил этдик. Қувонарлиси, мазкур тадбирда маҳалламиз ёшлари фаол иштирок этишиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хориждан келган фуқаролар ҳам А.Манноповнинг назоратида. Дастлаб, уларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлашга эътибор қаратилади. Сўнгра иш билан таъминлаш учун уларга маҳалла тадбиркорлари ва бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳамкорлигида иш ўринлари топиб берилади.

**"Маҳалла посбони"** жамоат тузилмаси томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни жиноий йўлга бошловчи шахсларни аниқлашда тегишли идораларга кўмаклашиш, бу борада маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари, ақидапарастлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, аҳолининг ҳамжиҳатлиги асосида маҳалла тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга интилаётган сардор Асқар Манноповнинг меҳнатлари диққатга сазовор. Унинг ўтган йили "Маҳалла куни" тадбирлари доирасида "Энг намунали "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардори" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида совринли ўринни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас, албатта.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МЕНИНГ ҲИССАМ

# Истеъдодга бойдир бу ўлка


© Фото-Носир Ҳайдаров

**Анвар Назаров, "Ташаббус – 2010" кўрик танловининг "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши ғолиби (Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани):**

— Ёшлигимдан табиатдаги ҳар бир нарсадан гўзаллик яратишга қизиқардим. Мустақиллик туфайли ана шу орзуимга эришдим. Мамлакатимизда биз ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли ҳунармандчиликнинг сомон санъати билан шуғулланиб келмоқдаман. Оддий сомондан турли миниатюралар, манзаралар, суратлар яратаман. Қадимий халқ ҳунармандчилигининг йўналишларидан бўлган бу санъат турини кенг тарғиб этишга, тенгдошларимни бу ишга жалб этишга ҳаракат қилмоқдаман.

Ҳунармандчилик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган. Президентимиз томонидан ҳунармандларга катта имконият ва имтиёзлар берилаётгани бизни янги ижодий изланишлар сари етакламоқда.

Айни пайтда мен билан бирга 15 нафар йигит мазкур ҳунармандчилик билан шуғулланмоқда. Яна 8 нафар ёш бизга шогирд тушган. Иш жараёнига асосан имконияти чекланган, ногирон ёшларни жалб этаётганимиз уларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашига ёрдам бермоқда. Ўтган йиллар давомида оддий сомондан яратган ҳунармандчилик ишларимиз турли кўргазмаларда намойиш этилиб, юқори баҳоланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ижтимоий лойиҳаларининг "Ёш тадбиркор" танловида грант соҳиби бўлдим. Президентимиз соврини учун ўтказилган "Ташаббус – 2010" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида ғолибликни қўлга киритдим. Биз ёшларга берилаётган мана шундай эътибор ва улкан имкониятлар, қўлга киритилаётган ютуқларнинг барчаси истиқлол туфайлидир.

**Камолиддин Раҳимов, "Ташаббус – 2010" кўрик-танловининг "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши ғолиби (Тошкент шаҳри):**

— Мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришда катта имкониятлар яратилгани туфайли азалий қадриятларимиз бўлган халқ ҳунармандчилигининг барча йўналишлари нафақат ривожланди, балки, халқаро майдонларда ҳам эътироф этилмоқда. Куни кеча муҳтарам Президентимизнинг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларнинг юксалишига янада кенг қанот бағишлаши шубҳасиз. Фармонда: «...уй шароитида халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилсин», дея белгиланиши миллий қадриятларимизнинг бир бўғини бўлган ҳунармандчилик ва амалий санъат турларининг янги босқичга кўтарилишини таъминлайди. Буни давлатимизнинг ҳунармандларга бекиёс ғамхўрлиги ифодаси, деб биламан. Шу кунларда Алишер Навоий номли маҳалламиздаги ҳамда шаҳримизнинг бошқа маҳаллаларида истиқомат қилаётган 30 дан ошиқ ёшларга «Устоз — шогирд» анъанаси йўналишида ҳунарим сирларини ўргатиб келмоқдаман.

Биласиз, нақш безакларида асосан табиат кўринишлари асос қилиб олинади. Шу маънода, курси, лавҳ, қути, каби маҳсулотларимизга табиат манзараларини ва қушларнинг тасвирларини киритганимиз унинг нафислигини ва бежиримлигини таъминлайди. Айтишим керак биздек ёш ҳунармандларга қаратилаётган эътибор, Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли шундай шарафга эга бўлдик.

**Ҳ.БЕРДИЕВ ёзиб олди.**

< [1]

Жумладан, Қамаши туманида намунавий лойиҳа асосида 20 та уй-жойни бунёд этиб, тайёр ҳолда фойдаланишга топширдик.

Бундан ташқари корхонамизда бозор талаби ўрганилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётир. Бу ердан чиқаётган замонавий қурилиш материалларига талаб тобора ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида яратилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар бизнинг корхонамиз учун ҳам айни муддао бўлди. Берилган имтиёзлар ҳисобига корхонамиз ихтиёрида қолган маблағлардан унумли фойдаланиб ғишт, майдаланган тош ва деворга ишлатиладиган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада корхонамизда қўшимча қиркта янги иш ўрни яратилди.

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

# Талабалар йиғин кезади

**Истиқлол** йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Айниқса, юртимизнинг қай бир чекка қишлоғига борманг, у ерда замон талабларига тўла мос келадиган, барча замонавий шароитлар муҳайё этилган касб-ҳунар коллежлари, мактаб бинолари қад ростлаганига гувоҳ бўласиз. Бугунги кунда мустақилликнинг меваси бўлган жаҳон андозалари даражасидаги билим даргоҳларида келажагимиз эгалари таълим олишмоқда.

Жумладан, Фарғона вилояти Бағдод тумани марказида жойлашган Тиббиёт коллежида 1158 нафар ўқувчи 3 та йўналиш бўйича таълим олишади. Бугунги кунда коллежда 6 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 133 нафар малакали мутахассис ва педагог фаолият юритишмоқда. Коллеж ахборот-ресурс маркази ҳар доим китобхонлар билан гавжум. Марказда барча соҳаларга оид 6000 га яқин бадиий ва илмий адабиётлар жой олган. Бундан ташқари, коллежда ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 30 дан зиёд терапия, фармокология, кимё-биология, математика, волейбол, баскетбол, футбол, кураш, енгил атлетика ҳамда қизларни оилага тайёрлаш каби фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Қувонарлиси, уларда 737 нафар талаба мунтазам шуғулланиб, турли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

— Маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Талабаларимизнинг аксарияти ҳудудимиздаги «Бўстон», «Иттифоқ», «Ўзбекистон», «Қирқиболди», «Дўстлик» ҳамда Муқимий номидаги маҳаллаларда истиқомат қилишаётгани боис, ушбу йиғинлар билан доимий ҳамкорлик қилиб келамиз. Биласиз, маҳаллада ҳамма бир-бирини жуда яхши танийди. Шу боис, ўқувчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари маҳалланинг доимий назоратида бўлади. Дарсдан бўш вақтларида уларнинг бирор ножўя ҳаракати сезилса, ҳамкорликда дарҳол муҳокама қилиниб, бундай ҳаракатни бартараф этиш чорасини кўрамиз. Шунинг учун ҳам маҳалла йиғинлари билан бирга ишлаш ўқув жараёнини яхши ташкил этишимизда ижобий самара бермоқда, — дейди коллеж директори Турсунали Алфайзиев.

**Ҳар йили** коллежимизда миллий Наврўз байрамини кўтаринки руҳда кутиб оламиз. Ҳозир энг фаол талабаларимиз, педагогларимиз ҳамда маҳалла фахрийлари билан бирга, анъанани давом эттирган ҳолда, кам таъминланган оилалар ёлғиз қариялар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, уларни совғалар билан қутлаш режасини тузиб чиқдик. Яна шуни айтиб ўтишим керакки, коллеждаги 21 нафар талабадан иборат «Меҳр» гуруҳи аъзолари томонидан 4 та якка-ёлғиз яшовчи, уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонлари доимо эътиборда.

Таълим масканида талабаларни меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу кунларда билим даргоҳида фойдаланиш мумкин бўлган очиқ ер майдонларига турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экилмоқда. Мамлакатимиз миқёсида ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида талабалар томонидан коллеж ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Уч мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

**Азамат МАҲМУДОВ, «Mahalla» мухбири.**

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

**Мамлакатимизда** инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият саналади. Жаҳондаги диний эътиқодлар асосида ҳам инсон муборак зот сифатида улуғланади. Дарҳақиқат, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қимматида ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар», дея таъкидланган. Зотан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркинликларини таъминлаш демократик жамиятнинг етакчи тамойилларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, яқинда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида «Республика ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлар ва бу соҳада бошқа идоралар билан ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ИИБнинг масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ОАВ ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ҳуқуқий ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий механизмини яратишдан иборат эди, — деди вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор А.Қўлдошев. — Айтиш жоизки, бугунги кунга келиб бу борада мамлакатимизда муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи олтмишдан ортиқ халқаро Пакт ва Конвенцияларга қўшилди. Ҳуқуқий ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва суд ҳокимияти фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланди.

**Семинар** давомида республика ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғуновнинг маърузаси тингланди. Омбудсманнинг вилоят минтақавий вакили, Қарши давлат университети ректори, профессор Муродулла Нормуродов семинар қатнашчиларига вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берди. Шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вазирлик ҳамда бошқарма меъёрий ҳужжатлари асосида ташкил этилган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Семинар иштирокчиларига вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси матбуот маркази томонидан тайёрланган "02" алоқада..." кўрсатувидан лавҳалар намойиш этилди. Бундан ташқари, семинар иштирокчилари вилоят ИИБнинг замонавий услубда таъмирланган ва жиҳозланган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси хизмат хоналари ҳамда фуқароларни тўсиқсиз қабул қилиш хоналарини бориб кўриб, бу ерда яратилган шароитларга юқори баҳо беришди.

**Ўқув-семинарнинг** иккинчи кунида қатнашчилар Нишон туман ИИБда замонавий услубда бунёд этилган фуқароларни тўсиқсиз қабул қилиш хонаси фаолияти билан ҳам танишдилар. Шунингдек, улар Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги диққатга сазовор тарихий-маданий ёдгорликларни ҳам кўздан кечиришди.

**Ўроз ҲАЙДАРОВ**

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

# Ватан қалқонлари — бизнинг фахримиз


© Фото-Носир Ҳайдаров

Йигит деганда алпқомат, ғурурини ҳар нарсадан устун қўядиган, оиласи, маҳалласи, юрти ҳимояси учун ҳамиша қалқон бўлишга тайёр, мард, жасур сиймо кўз олдимизга келади. Вилоят муддатли ҳарбий хизматга чақирув комиссияси аъзоси сифатида айтишим мумкинки, бугун чақирув кўригидан ўтаётган ёшларимизда ана шу фазилатлар мужассам. Армия сафига чақирилаётган ҳар бир ёш бу ишни фақатгина йигитлик бурчи деб эмас, балки шарафли вазифа сифатида ҳам тушуняпти.

Мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Қуролли Кучлар Бош Қўмондони — Президентимизнинг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муддатли ҳарбий хизмат сифатини, ҳарбийларнинг ўқув-жанговар тайёргарлигини оширишни билан бирга, чақирув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш имконини яратди.

**"Маҳалла"** жамғармасининг вилоят бўлими иш режасида белгиланган бандга мувофиқ, Бухоро вилояти Мудофаа бошқармаси билан ҳамкорликда чақириққача бўлган ёшлар орасида ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни бор. Ўтган 2009 йил мобайнида вилоятдаги маҳаллаларда ўтказилган 345 та давра суҳбати ва учрашувда туман ва шаҳарлардаги мудофаа бўлимлари ходимлари, ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар ва зобитлар иштирок этишди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу каби йиғилишларда ота-оналар юртимизда ҳарбий хизматни ўташ тизими тобора такомиллашиб бораётгани, йигитлик бурчини намунали адо этган ёшлар учун қўшимча имтиёзлар яратиб берилаётгани фарзандининг комил инсон бўлиб вояга етишида алоҳида ўрин тутаётганини тўлқинланиб гапиришди. Ўз навбатида, ёшлар ҳалқи, юрти олдидаги йигитлик бурчини бажаришга, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга доимо шай эканини билдиришди. Айни пайтда жамғарманинг туман бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари фаоллари жалб этилиб, фарзанди муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оилаларнинг аҳволидан мунтазам хабар олиб, уларга зарур ёрдамлар кўрсатилаётир.

Шунингдек, ёшларни ҳарбий хизматга тантанали тарзда кузатиш, кутиб олиш маросимларининг асосий ташкилотчиларидан бири сифатида "Маҳалла" жамғармаси йигитларга эсдалик совғалари ҳам тақдим этиб, байрам дастурхонларини ташкил этмоқда.

**Истиқлол йилларида** мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бундай ислоҳотлар самараси ўлароқ, чақирув ёшидаги йигитларнинг нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксалиб боряпти. Чунончи, улар чақирув комиссияларида ўтказилаётган тест синовларини аъло баҳоларга топширишаётир.

Албатта, жисмонан соғлом, ақлан етук ёшлар она-Ватан олдидаги бурчини аъло даражада ўташади. Шу боис, кейинги йилларда маҳалла фуқаролар йиғини, ота-оналар номига мамлакат мудофаа вазирлиги, бирлашган штаб бошлиғи ҳамда жойлардаги ҳарбий қисм командирлари томонидан кўплаб ташаккурномалар йўлланмоқда.

**Муддатли** ҳарбий хизматни намунали адо этган ёшлардан бири Бухоро туманидаги Янгитурмуш қишлоғида истиқомат қилувчи Баҳодиржон Назаровдир. Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида унинг ота-онасига шахсан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ташаккурномаси тақдим этилди. Бу йиғин аҳли, Баҳодиржоннинг отаси Шокиржон Назаров ва оила аъзолари учун катта фахрдир.

Баҳодиржон сингари йигитлик бурчини ўташ учун маҳаллалардан ҳарбий хизматга жўнаб кетиб, ҳозир бу шарафли вазифани намунали ўтаётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Мисол учун, 2009 йилда муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида қисм командирларининг эътиборига тушиб, махсус тавсиянома билан қайтган 356 нафар бухоролик йигитдан аксарияти бугун аскарларга берилган имтиёз туфайли олий ўқув юртларида таҳсил олишаётир.

**Шунингдек,** бевосита бўлимимиз шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган йигитлардан 1083 нафарини ишга жойлаштирди. Бундан ташқари, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида, вилоятдаги ҳарбий қисмларда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида учрашувлар ҳам ташкил этяпмиз. Зеро, мақсадимиз ҳеч бир ёш маҳалла эътиборидан, ғамхўрлигидан четда қолмасин.

**Беҳбуд ЖУМАЕВ, "Маҳалла" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси.**

ИБРАТЛИ ОИЛА



© фото-Носир Ҳайдаров

# Қўша қариб қадр топганлар

**Тонг** ёришмоқда. Турғун ака аллақачон уйғонган, Марғуба ая ҳам кундалик юмушларини бошлаб юборган. Болалар эса ҳали ширин уйқуда. Марғуба ая уларни уйғота бошлади.
— Тура қолинглар, болажонлар. Мактаб вақтигача дадангизга қарашиб юборинглар, ишлар кўп. Болалар ўрнидан туришиб, юз-қўлларини ювиб, болғанинг «тўқ-тўқи» эшитилаётган устахонага йўл олишди. Тонгги уйқу жуда ширин бўлади-да, ҳар қанча ухласанг ҳам тўймайсан. Ўша пайт эрта саҳарлаб туриб, ҳунар эгаллашнинг заҳматини татиган фарзандлар ота-онасининг уларни бу тарзда тарбиялашгани сабабини кейин тушунишди. Турғун ака заводда оддий ишчи бўлиб ишлар, ишдан бўш пайтлари дурадгорлик билан шуғулланарди. Оилада камол топаётган беш нафар фарзанднинг илмли бўлиши билан бирга, яхши бир ҳунарни эгаллашини, одобли бўлиб вояга етишларини чин дилдан истарди.

**Болалар** ишга киришиб кетишди, уйқу ҳам чекиниб, улар ўзларини тетик, бардам сезишди. Тиниқ осмонга офтоб чарақлаб чиқиши билан Лолахон ва Маъмурахон сув сепиб, супуриб қўйишган ораста ҳовли чиннидек ярақлади. Нонушта маҳали дастурхонга қўйилган, тандирдан энди узилган ширмой нонлар болаларнинг иштаҳасини очиб юборди.
— Меҳнатнинг нони ширин бўлишини болалигимдаёқ ҳис қилганман, — дейди оиланинг катта ўғли Ниғмат ака. — Ота-онамиз бизларнинг нафақат маълумотли бўлишимизни, балки бирор-бир ҳунар эгаллашимизни ҳам чин дилдан исташар, шунга шароит яратишга ҳаракат қилишарди. Шу сабабли, асосий ишимиздан ташқари, қўлимизда ҳунаримиз ҳам бор.

**Умаровлар** хонадонига кириб борарканмиз, ҳовлидаги саранжом-саришталик, орасталикни кўриб бу оила бекаларининг нозик дид соҳиблари эканлигига амин бўлдик. Оиланинг улуғлари Турғун ота ва Марғуба ая эллик олти йилдан бери биргаликда умргузаронлик қилишмоқда. Бешта фарзандни оқ ювиб, оқ тараб катта қилган бу нуроний инсонлар ҳозир ўн тўртта невара, ўнга яқин эваранинг севимли бувиси ва бобоси.
— Оилада отанинг ўрни алоҳида, — дейди Марғуба ая бизнинг узоқ йиллардан бери тотув яшаб келаётганларингизнинг сири нимада, деган саволимизга жавобан. — Биз оналар кўнгилчанмиз, аммо ота ўрни билан қаттиққўл, ўрни билан ширинсўз бўлиши, меҳнатда, интизомда болаларга намуна бўла олиши керак.

**Оилавий** хотиржамликни тўкис бахт деб ҳисобловчи Умаровлар хонадони бўлажак келин ва куёвларни ўзлари таниган, билган, синашта хонадонлардан танлашади. Шу боис, бу хонадонга қуда бўлганлар қуда-андачилик риштлари билангина эмас, балки меҳр-оқибат, одамийлик, қавму қариндошликдек азалий туйғулар билан чамбарчас боғланишган.
— Умаровлар хонадони нафақат маҳалламиздаги, балки туманимиздаги энг ибратли оилалардан саналади, — дейди «Мингўрик» маҳалласи оқсоқоли Тоҳир Султонов. — Бу оила ўтган йили ўтказилган «Энг ибратли оила» кўрик-танловида туманда 2-ўринга сазовор бўлган бўлса, хонадоннинг келинчаги Назокат Умарова маҳаллада ўтказилган «Иффатли келин» танловида ўзининг эпчиллигию зукколигини намойиш этиб, ғолиб бўлди. Бундан ташқари, Турғун ота ва Марғуба аялар маҳалла-кўйдан ўз ёрдамларини, маслаҳатларини аямайдилар. Уларнинг бош фарзанди Ниғмат Умаров ва унинг умр йўлдоши Шоҳида Умаровалар маҳалла фаолларидан. Айниқса, Шоҳидахон маҳалла қошидаги Тўй ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш комиссиясининг фаол аъзоси сифатида кўпгина хайрли ишларни амалга оширишимизда кўмак бериб келмоқда.

**Пойтахтимизнинг** Юнусобод тумани «Мингўрик» маҳалласида истиқомат қилаётган Умаровлар оиласи том маънода энг бахтли, энг ибратли оилалардан саналади. Фарзанд, набира, эваралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Турғун ота ва Марғуба аялар хонадонига ташрифимизни якунлар эканмиз, пиру бадавлат отахону онахонга ҳавасимиз, ҳурматимиз ортди. Бу пиру бадавлатлик улар босиб ўтган ибратли умр йўллари учун тақдирнинг туҳфасидек туюлади.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

# Яхшидан боғ қолади

Элимизга ташриф буюрган Наврўзи олам ҳар биримизни меҳнатга ундайди, гўзалликка ошно этади. Юртдошларимиз яхши ният ила кўчат ўтқазиб, гул экиб, дарахтларга шакл бериб ўлкамизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишаётир. Ҳамманинг тилида, дилида уйим, кўчам, маҳаллам, юртим обод ва гўзал бўлсин, деган тилак жўш урмоқда.
Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ҳам шу кунларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 мартдаги фармойишига асосан 13-14 март кунлари маҳаллаларда умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди.
— Умумхалқ хайрия ҳашарида 83 мингга яқин аҳоли иштирок этди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Маҳбуба Жайнақова. — Уларнинг 50 минг нафарини ёшлар ташкил этади. Ҳашар кунларида туман бўйича 310 гектар майдон ободонлаштирилиб, 300 тонна чиқинди чиқариб ташланди. 250 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, ниҳоллар экилди. Жумладан, 40 минг туп манзарали, 25 минг туп мевали дарахт, 150 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди, 3210 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. Наврўз — меҳр-саховат байрами. Халқимиз азалдан мурувватталаб инсонларга ёрдам қўлини чўзиб келган. 13 нафар кам таъминланган оилага кўрсатилган моддий ёрдам шу эзгу анъананинг давоми, десак хато бўлмайди.

**Ҳа,** шу кунларда бундай тадбирлар тумандаги ҳар бир маҳалла ва қишлоқда давом этмоқда. Бу борада Қаюмхўжа Қорахўжаев бошқараётган «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар диққатга молик. Маҳалла оқсоқолининг жонбозлиги, ташаббускорлиги боис ҳудуддаги ишлар ҳавас қилгулик. 1360 нафар аҳолини ўз бағрига олган 260 та хонадоннинг турмуш тарзи оқсоқолга беш қўлдай аниқ бўлганидан ишлар кўнгилдагидек кетаётир.

**Ҳашарга, асосан, ёшлар жалб этилди. Маҳалламиз ёшлари меҳнаткаш, ғайратли.**

— Шу чоққача, — дейди суҳбат давомида оқсоқол, — маҳалламиз ҳудудига 5000 тупдан зиёд терак, 400 туп мевали дарахт, 2000 тупдан зиёд гул кўчатлари ўтқаздик. 3 километр масофадаги ариқ ва маҳалла ҳудудидан ўтган 3 километр темир йўл атрофи тозаланди. Қабристон ободонлаштирилди. Ҳашарга, асосан, ёшлар жалб этилди. Маҳалламиз ёшлари меҳнаткаш, ғайратли. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини, яратиш ва янгиланишни яхши англаган маҳалладошларимиз ҳар бир тадбирга ўз ҳиссасини қўшишга интилишади, ташаббус билан чиқишади. Маҳалламиз ҳудудидаги спорт майдони қаровсиз аҳволга келиб қолганди. Ёши улуғ инсонлар, маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат бу майдонни ҳомийлар ёрдамида тўлиқ таъмирдан чиқардик. Наврўз байрами куни стадионнинг очилиш тантанаси бўлди. Шундан сўнг маҳалламиз футбол жамоаси қўшни «Янгиобод» маҳалласи футбол жамоаси билан тўп суришди. Ёшларимизнинг ғалабадан руҳланганини кўриб, Баркамол авлод йилида ҳам ёшларимиз учун хайрли ишларни давом эттиришни кўнглимга тугдим.
Маҳалламизда юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлаётгани каби ҳаёт жўшқин. Маҳалламизни янада кўркам ва обод қилишда фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган 7 кишидан иборат Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияси аъзоларининг хизматлари катта.

**Яхшидан** боғ қолади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ўтаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида яхши ниятлар ила заминга минглаб янги кўчатлар қадалмоқда, кўплаб масканлар обод бўлаётир. Зеро, ҳар бир қаричи табаррук бўлган бобомерос заминимизни яшнатиш, уни келажак авлодга озод ва обод ҳолда топшириш муқаддас бурчимиздир.



**Ҳабиба ШЕРОВА**

ОИЛА ТИЛСИМИ

# Хонадон фариштаси

Бу оилани маҳаллададагилар яхши билишади. Оила бекаси Ҳакима оламдан ўтгандан бери Суннатилла ичкиликка муккасидан кетган, вояга етиб келаётган икки нафар бўз бола ўз ҳолига ташлаб қўйилган, улар кўчадан бери келишмасди. Суннатилланинг қўшниси Мукаррам хола кўпдан бери «Қани эди, яхши бир аёл келиб, шу хонадонни яшнатиб ўтирса», деб уларнинг ташвишини қиларди. Шу боис, тўй-маъракаларга борса ҳам Суннатиллага мос бева аёлларни сўраб-суриштирар, маъқулроғининг манзилини ёзиб оларди. Бир куни Мукаррам хола қўшниси Марғуба холаникига чиқди. У ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, мавзу яна Суннатиллани уйлантиришга кўчди.
— Эй, қўшни, — деди Марғуба хола, — буароқхўрга ким ҳам тегарди? Ўзи зўрға кун кечирса, устига-устак топганини ичса, маҳаллага қўшилиб тўй-маъракаларга чиқмаса. Қайси аёл ўзини била туриб жаҳаннамга ташлайди? Буниси етмагандек, болаларининг аҳволини кўринг. На саломни билади, на аликни!
— Марғубахон, — деди босиқлик билан Мукаррам хола. — Айтганларингизда жон бор, албатта. Аммо бу оилага кўра-била туриб ёрдам қилмасак, инсофдан бўлмас. Ҳакима раҳматли борлигида ҳовлисига кирсангиз чиққингиз келмасди. Ҳозир-чи? Кеча пешинда кирсам, ҳаммаёқ ивирсиб ётибди, ошхонага кириб эсим оғиб қолай деди. Шўрликлар анчадан бери иссиқ овқат ҳам еийшмаган, шекилли, тўнкариб қўйилган қозон чанг босиб ётибди. Аёл бўлмаса, ҳовлидан файз кетди, турмушда ҳам қут-барака қолмайди. Булар ҳам ҳаётга бир марта келади. Айниқса, болаларга ҳозир она тарбияси жуда зарур. Биз Суннатиллани уйлантирсак, нафақат оилани тиклаган бўламиз, балки норасида икки фарзандни изга соламиз, чунки уларнинг бу юришида эртага бирор оила қиз бериши даргумон.

**Марғуба** хола жим бўлиб қолди. Шундан сўнг икки дугона қўшниларига турмуш ўртоғи излашга астойдил киришиб кетишди...

* * *

— Марғуба хола, ҳов Марғуба хола! Марғуба хола овоз эгасини дабдурустдан таниёлмай, эшикка яқин келди. Дарвоза олдида Суннатилланинг кичик ўғли Мансур турарди.
— Ассалому алайкум, хола? Соғлиғингиз яхшими? Уйдагилар тинчми?
—Раҳмат. Кел, болам, уйга кир.
— Йўқ-йўқ, шошиб турибман, ишларим кўп. Бугун Мукаррам холам билан бирга бизникига ўтарканситзлар, аям тайинлаб юборди.
Йигитча чопқиллаганча уйи томон кетди. Хола унинг ортидан ажабланиб қараб қолди. Кечга яқин Марғуба хола Суннатилла аканинг уйига киришдан олдин Мукаррам холага уни уйлантириб тўғри қилишганини, Мансурнинг анча ўзгариб, саломлашиб-сўрашганини гапирди.
— Нимасини айтасиз? — деди Мукаррам хола. — Суннатиллани яхши аёлга уйлантирдик, деб ўйлайман. Назирахон жуда бамаъни аёл-да. Анави Қумрихон эсингиздами?
— Вой, уйини менинг номимга ўтказса тегаман, деб шарт қўйган аёлми?
— Ҳа-ҳа, ўша. Шу гапни айтдиям, ундан менинг кўнглим совидиқолди. Кўнгли тоза эмаслигини сездим. Аммо Назирахонни бир кўрдиму, юрагим «жиз» этиб кетди.
— Назирахон ҳам аввалига унамаганди-а? Сиз ётиғи билан тушунтиргач, рози бўлди. Болалар ҳақида жуда таъсирли гапирдингиз-да ўзиям, Мукаррамхон...

**Икки** аёлнинг суҳбати шу ерда узилди. Уларни Назирахон кутиб олиб, уйга бошлади. Саранжом-саришта ҳовлига кирган онахонларнинг кўнгли ёришиб кетди. Суннатилла новдалари ўсиб кетган узумни хомток қилар, болаларнинг бири ҳовлига сув сепар, иккинчиси ер чопиш билан овора эди.

**Юлдузхон**

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР

# Ичкилик кўпчиликка жабр етказди

Ўша кун қишлоқда дув-дув гап тарқалди: Омон Хушевни (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ака-ука Холиқовлар калтаклаб ўлдиришибди!
Бу хабарни эшитиб кимдир саёқ юрган таёқ ейди-да деса, бошқа биров Омон кўпчиликни зор қақшатганди, айниқса, Холиқовларнинг онаси Зулхумор опага кун бермасди. Энди фарзандлари жазога тортилса, Зулхумор опага янада қийин бўлибди-да, деди. Ҳамқишлоқлар Омоннинг ўлимига эмас, ака-ука Холиқовларга жабр бўлганига афсусланишарди. Хўш, нега? Омон дегани ким эди?
Донишмандлардан бири, сен шундай яшагинки, ўлганингда ортингда доғ қолмасин, деган экан. Омон Хушев ичкиликка берилиб, одамийлик қиёфасини йўқотди. Маҳалладошларининг айтишича, у бирор жойда ёлчитиб ишламаган, мунтазам ҳамқишлоқларининг оромини бузиб келган экан. Айниқса, ён қўшниси, эри хизмат чоғида оламдан кўз юмган бева аёл Зулхумор Холиқовага доимий равишда озор бериб келган. Омоннинг ҳар куни пичоқ кўтариб важоҳат билан келишидан Зулхумор Холиқованинг асаблари таранглашиб, юраги хуруж қиладиган бўлиб қолганди. Зулхумор опа фарзандлари уйда бўлмаган кунлари эшикларни қулфлаб, овозини чиқармай қалтираб ўтирарди. Омон тўйиб ичиб олган кунлари қўлига дам болта, дам кетмон кўтариб келиб, Зулхумор Холиқованинг эшикларини урар, ёмон сўзлар билан уни ҳақоратларди. Охир-оқибат Зулхумор опа Омоннинг бу қилиқлари ҳақида бир неча марта қишлоқ фуқаролар йиғини раисига шикоят қилди.

**Маҳалла** раиси ва унинг фаоллари Омонга таъсир ўтказа олмагач, Зулхумор Холиқова туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Бўлим ходимлари қишлоқ нозирларидан воқеани аниқлаб, Омонни олиб кетишди. Уй деразаларини синдиргани ва Зулхумор опага жароҳат етказганини қўшнилар нозирларга айтиб беришди. Улар негадир эртаси куни Омонни қўйиб юборишди. Омон яна ҳаддидан ошди. Яна Зулхумор опа уйига келиб, ўзига ва фарзандларига пичоқ ўқталди. Ўшанда опа фарзандларини шайтонга ҳай берингглар, деб зўр-базўр тўхтатиб қолганди.
Зулхумор Холиқова бир оз тин олиб, кўзларидаги ёшни енги билан артиб, гапини давом эттирди.
— Ўша машъум кунда ўғилларим билан уйимизда тинчгина ўтирган эдик. Омон Хушев қўлида пичоқ кўтариб тўғри ҳовлимизга кириб келди. Унинг кайфи таранг эди. Ўғилларим Омонга яхши гапириб, уйига жўнатмоқчи бўлдилар. Бироқ Омон тўполон кўтариб, деразамиз ойналарини уриб синдирди. Шундан сўнг ўғилларим қўлларига калтак олишиб, Омонни қувишди...
Зулхумор Холиқова воқеанинг давомини айтолмади. Шу куни шомдан оққанда Омоннинг калтак зарбидан ўлганлигини эшитдим, дея олди, холос. Омоннинг отаси эса ўғлининг ўлимидан кўра ака-ука Холиқовларга кўпроқ куйинди. Бу қишлоқ йигитлари Омоннинг тазйиқларига чидолмай жаҳл устида қотилликка қўл уриб қўйгани отани ўйлантирганди. Ота ўғлининг ароққа берилиб, одамийлик қиёфасидан чиққанини биларди. Шунинг учун ҳам ака-ука Холиқовларга ичи ачиб, уларнинг жазосини енгиллаштириш мақсадида қуйидаги тилхатни ёзиб берган: «Марҳум ўғлим Хушев Омон ҳақида қуйидаги фикрларни билдираман: менга қанчалик оғир бўлса ҳам тўғрисини айтишга мажбурман. Ўғлим ўта безори, ҳеч қандай сабабсиз бошқаларга озор берувчи, ароқхўр эди. У ҳамсоялар билан бесабаб жанжал чиқарар, уларнинг оила аъзоларига йиллар давомида асоссиз равишда азоб берарди. Ўғлим Омон ҳатто мени ҳам ароқ ичиб олган пайтлари урарди». Отанинг катта ўғли Алижон Хушев ҳам укаси Омоннинг бевақт ўлимига ўзининг худбинлиги сабаб бўлганлигини эътироф этади.

**Қонун** ҳамма учун баравар. Билиб-билмай ёки қасддан жиноятга қўл урадими, барибир қонун олдида жавоб беради. Лекин ака-ука Холиқовлар Омон Хушевнинг йиллар давомидаги ножўя ҳаракатларига чидай олмасдан, ғазабларини босолмай жиноятга қўл уриб қўйишди. Улар бу ҳаракатлари учун суд ҳукмига биноан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Болаларини не-не азоблар билан тарбиялаб, вояга етказган Зулхумор Холиқовага қийин бўлди. Омон Хушев уларнинг тинчлигини бузмаганида, маҳалла фаоллари, туман ички ишлар бўлимидагилар Омонни қаттиқ назоратга олганларида бу фожеа юз бермаган бўларди. Омон Хушев ҳар куни ичиб, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрган экан, нега маҳалла фаоллари бунга бефарқ қарашган? Омон ароққа пулни қаердан топаётгани, у нималар билан шуғулланаётгани, нега уззукун одамларнинг тинчлигини бузаётганидан безовта бўлишмаган. Наҳотки, бир кишини инсофга чақириш, уни назоратга олиб тўғри йўлга солиш шунчалик қийин бўлса?
Зулхумор Холиқова хонадони ҳувиллаб қолди. У бошига тушган бундай кулфатдан йиғлайверади, ҳар гал эшикка чиқиб турган жойида хаёлбехаёл қотиб қолади. Марҳумнинг ортидан ёмон гапиришмайди, дейишади. Аммо бу воқеадан қандай сабоқ чиқармоқ лозим? Маҳалладошлар тақдири ва турмушига бефарқлик ва лоқайдлик хунук оқибатларга олиб келишига мисол эмасми бу? Сиз нима дейсиз, маҳалладош?

**Асқар ЖАЛИЛОВ**

БОЛАЛАР СПОРТИ

# ЯНГИ мажмуа марраларга етаклайди




Йилдан-йилга спортнинг турли йўналишлари бўйича республика, қитъа, жаҳон майдонларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилаётган спортчиларимиз сафида узоқ қишлоқлардан, овуллардан етишиб чиқаётган ёшлар сони кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби, республикамизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидир. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилганлиги бу соҳадаги юксалишга асос бўлмоқда. Болаларни жисмоний чиниқишга, оммавий спортга жалб этиш, катта спорт учун давомчилар етиштириб бериш бош мақсади бўлган ушбу жамғарманинг фаоллигига ҳар бир туманда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

— Пастдарғом туманидаги "Ҳиндубой" маҳалласида 2004 йилда ёпиқ спорт мажмуаси (ТИП-2) фойдаланишга топширилган эди. Мажмуа қурилишига жами 500 миллион сўм сарфланган бўлса, унинг 235 миллион сўми болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилди, — дейди мажмуа директори Аслиддин Баҳриев. — Очиқ майдондаги футбол, волейбол, баскетбол майдонларини, югуриш йўлакларини бунёд этиш, ҳудудни ободонлаштириш сингари юмушлар ҳашар йўли билан бажарилди. Йил бўйи — ёз жазирамасида ҳам, қиш аёзида ҳам — машғулотлар ўтказиш имкони яратилди.

**Шуни** мамнуният билан айтишимиз лозимки, мажмуамиз жиҳозланиши, имкониятлари жиҳатидан республикадаги шу тип спорт иншоотлари орасида энг намуналилардан бири ҳисобланади. Замонавий бокс ринги, кураш гиламлари, қўйингки, жами 72 турдаги анжомларга эгамиз. Шу боис, мамлакат миқёсидаги бир қатор тадбирлар, мусобақалар шу ерда ўтказиб келинмоқда.

Спорт жонкуяри Аслиддин Баҳриевдан қишлоқ болаларининг спортга қизиқишлари, тўгаракларда иштироки, эришаётган натижалари ва ниҳоят уларнинг жисмоний улғайишлари ҳақида ҳам сўзлаб беришини сўрадик.

— Айни пайтда «Ҳиндубой», «Эски Жува», «Оқмачит», «Сарбош», «Жовулқосим», «Қўқони» маҳаллаларидан миллий кураш бўйича 120, шарқ якка кураши бўйича 180, самбо бўйича 30, стол тенниси бўйича 80, футбол бўйича 120, волейбол бўйича 40 нафар ёш тўгаракларда фаол қатнашмоқда. Ёнимизда тиббиёт коллежи жойлашган. У ерда таҳсил олаётган 1000 нафардан зиёд талаба ҳам жисмоний тарбия машғулотларини шу ерда ўтказишади. Очиқ ўйингоҳлар ҳам, ёпиқ зал ҳам ҳамиша гавжум. Айниқса, қизларимизнинг спортга қизиқишлари қувонарлидир.

**Эришилаётган** натижалар чакки эмас. Ўтган йили "Амир Темур" кубоги учун ўтказилган IV халқаро Таэквандо жанги мусобақаларида Ибодулла Бўронов мураббийлигида иштирок этган қизимиз Ойниса Турдимуродова ғолибликни қўлга киритди. Ўзбек жанг санъати республика федерацияси томонидан ўтказилган очиқ чемпионатда икки нафар иштирокчимиз чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Бокс бўйича ўтказилган республика мусобақасида қатнашган Улуғбек Абдураҳмонов 46 килограмм вазнлилар ўртасида фахрли иккинчи, стол тенниси бўйича "Камолот маликаси" республика мусобақасида иштирок этган Моҳира Примова ҳам фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

**Республика** "Маҳалла" хайрия жамғармаси соврини учун 1993—1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган футбол мусобақаларида клубимиз мураббийси Зариф Шеров тайёрлаган "Эски Жува" маҳалласи футбол жамоаси совринли 3 ўринни эгаллади. Шу маҳалланинг 1997—1998 йилларда туғилган ёшлари ҳам акалари эришган натижани қўлга киритишди, яъни республикадаги тенгқур жамоалар орасида 3-ўринни эгаллашди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўтган беш йил давомида эллик нафарга яқин курашчимиз олимпия захиралари спорт коллежларига танлаб олинди. Мураббий Маҳмуд Примов стол тенниси бўйича тайёрлаётган истеъдодларнинг асосий қисми вилоят терма жамоаси аъзоларидир.

Ҳа, "Баркамол авлод йили" моҳиятини спортсиз, спортни эса спорт иншоотлари, майдонларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Пастдарғомдаги имкониятлар билан эришилаётган самаралар мутаносиблиги қувонарлидир.

**Вилоятда** спорт иншоотлари, стадионлар қуриш ишлари изчил давом этмоқда. Биргина 2009 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан йигирмадан зиёд спорт иншооти қурилгани фикримизнинг далилидир.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Mahalla"мухбири.**

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ


© Фото-Носир Ҳайдаров

# Бугунги ёшлар бахти кулган, иқболи баланд авлод

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси қошида йигирма нафарга яқин онахонлардан иборат «Қадрият» давраси бор. Йил мобайнида бу давра томонидан маҳаллаларда, билим юртларида турфа мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар, семинарлар ташкил этилади. Шундай тадбирларда давра аъзоларининг турли соҳа вакиллари эканлиги қўл келади. «Қадрият» аъзоларидан Пахтагул Расулзода ибратли ҳаёт йўли ва собиқ спортчилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

У киши бир пайтлар спортнинг бадиий гимнастика тури билан шуғулланиб, шаҳар ва республика биринчиликларида бир неча бор 1-ўринни эгаллаган. Россия, Қозоғистон, Украина каби давлатларда ўтган турнирларда, спартакиада мусобақаларида совринли ўринлар соҳибаси бўлган. Эришган натижалари туфайли спорт устаси талабини бажарган. Бугунги кунда 80 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, жисмоний тарбия ва спорт онахоннинг диққат-эътиборида. Эрталабки бадантарбия машғулотларини канда қилмайди. Маҳаллаларда ўтадиган учрашувларда, давра суҳбатларида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида сўзлайди, одамларни соғлом турмуш тарзига чорлайди.

— Ўзим спортчи бўлганим учунми ҳаётимни жисмоний тарбиясиз тасаввур қила олмайман, — дейди П. Расулзода. — Кўп йиллар бадиий гимнастика билан шуғулланганман. У пайтлари биласиз, қиз болаларнинг, айниқса, ўзбек қизларининг спорт билан шуғулланиши эриш туюларди. Шарт-шароитлар оддий, номигагина эди. Қолаверса, ота-оналарнинг «мумкин эмас», деган ички бир қаршилиги ҳам бўларди. Ўша қалтис замонларда ҳаётимни спорт билан боғлаганимга баъзида ўзим ҳам ишонмайман. Лекин бугунги дориламон кунларда мамлакатимизда бунёд этилган замонавий кошоналар, ёшлар учун яратилган имкониятларни кўриб, рости, пешонаси ярқираган миллат эканлигимиздан шукроналик туяман. Шу жиҳатдан, бугунги ёшлар бахти кулган, иқболи баланд авлоддир.

**4 нафар** фарзанднинг онаси, 10 нафар набиранинг ҳамда 3 нафар чеваранинг меҳрибон бувиси Пахтагул опанинг шижоати болаларига ҳам ўтган. Масалан, ўғиллари Искандар ва Бобур Аҳмаджоновлар ижтимоий ва иқтисодий соҳада фаолият юритишса-да, футбол ва сузиш уларнинг жони-дили. Қизлари Юлдуз ва Моҳигул эса кўп йиллар гимнастика билан шуғулланишган. Турмуш ўртоғи Ғуломжон Аҳмаджонов собиқ курашчи. Ҳозир сузиш машғулотларига қатнайди. Энг эътиборлиси, бу оила аъзолари хонадонларида мўъжазгина спорт майдончасини бунёд этишган. Оилада кундалик юмушлар жисмоний тарбия билан бошланади.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Учтепа тумани «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли бўлган 01.04.1998 йилда берилган №142 ОКПО 17092489 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Mahalla**
ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
**Бош муҳаррир**
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда **0019** рақами билан рўйхатга олинган.
Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй**
Индекс: **100083**
Навбатчилар: **Ўктам Худойқулов**
Мусаҳҳиҳ: **Нодира Холмирзаева**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**
**Телефонлар:**
**233-39-89 233-10-73**
**236-53-93 236-53-75,**
**236-57-62** Факс: — **233-44-25**
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2,
4 босма тобоқ.
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.**
Корхона манзили:
Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.
**www.mahallagzt.uz**
**mahalla@sarkor.uz**
**mahalla.gz@rambler.ru**
21030 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-354
**Нашр кўрсаткичи: 148**
**Топширилди — 23.50**
1996 йилдан чиқа бошлаган

# Дунёдан дараклар

## Москва метросида портлаш



Душанба куни эрталаб Москва шаҳрининг "Лублянка" ва "Маданият саройи" метро бекатларида қирқ дақиқа оралиғида икки марта портлаш содир этилди. Йўловчилар билан тўла метро вагонларида иккита камикадзе аёл ўзини портлатиб юборган. Сўнгги маълумотларга қараганда, террорчилик оқибатида 39 нафар йўловчи ҳалок бўлган, бир неча юз киши турли даражада тан жароҳати олган.

Ушбу фожиа туфайли 30 март Россияда мотам куни деб эълон қилинди. Москва ва бошқа шаҳарларда ҳушёрлик кучайтирилди. Прокуратура ушбу хунрезлик юзасидан жиноий иш очди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари террорчиларнинг шериклари — икки аёл ва бир эркакни қидирмоқда.

Мамлакат президенти Дмитрий Медведев террорчилик ташкилотчилари, албатта, топилиб тегишли жазосини олишини таъкидлади. Ҳукумат вакилининг айтишича, террор туфайли ҳалок бўлганларнинг оилаларига бир миллион рубль, жиддий тан жароҳати олганларга 400 минг рубль, енгил тан жароҳати олганларга 200 минг рубль ёрдам пули тўланади.

## Грецияга кредит бериладими?



Евро ҳудудидаги 16 давлат Франция ва Германия томонидан олға сурилган Грецияга шошилинч ёрдам бериш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлади. Бу ҳақдаги қарор жорий йилнинг 25 март куни ЕИ етакчилари томонидан Брюсселда қабул қилинган эди.

Ёрдам миқдори аниқ айтилмаётган бўлса-да, гап 20-30 миллиард евро ҳақида бормоқда. Бу маблағнинг иккидан бир қисми ЕИ бюджетидан, қолган қисми эса Халқаро Валюта Фонди ҳисобидан ажратилади.

Греция бу ёрдамни олиши учун қарорни ЕИга аъзо 27 давлатнинг барчаси имзолаши лозим. Бундан ташқари, кредит бериладиган аниқ вақт ва унинг шартлари ҳам ҳозирча маълум эмас. Шундай бўлса-да, Греция ҳукумати кредит олишдан умидвор.

## Банан орасидаги гиёҳванд модда




Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия еридаги Клеве шаҳарчасида жойлашган ошхона ишчилари Жанубий Америкадан банан солиб олиб келинган қутиларни кўздан кечираётганда, уларнинг бир нечтасидан катта миқдорда гиёҳванд модда топиб олишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, гиёҳванд модданинг баҳоси 10 миллион еврони ташкил этади.

Полиция текширув ва суриштирув ишларини бошлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, юк Жанубий Америкадан Бельгиянинг Антверпен портига келтирилган ва у ердан Германияга жўнатилган.

Бананлар орасидан топилган 310 килограмм кокаин моддаси Шимолий Рейн-Вестфалия полицияси кейинги йигирма йилда қўлга туширган энг катта "юк" бўлди. 2009 йилда улар контрабандачилардан 92 килограмм гиёҳванд моддани тортиб олишганди.

## Нато қўшинларининг янги ҳужуми

НАТО қўшинлари Афғонистоннинг Қандоҳор вилоятидаги фаол ҳаракатларини шу йилнинг июнь ойида бошлашади. Бу ҳақда НАТО қўмондонлигининг исмини ошкор қилишни истамаган зобити берган ахборотга асосланиб Associated Press хабар тарқатди. Амалиёт режасига биноан бирлашган қўшинлар Қандоҳорни рамазон ойи киргунга қадар, яъни 11 августгача толиблардан озод қилиши керак.

Ҳозир Шимолий Атлантика блоки аскарлари ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда. 2009 йилнинг ёзида 4000 кишилик аскарлар Қандоҳорга келтирилган эди. Шу йилнинг март ойида амалиётларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг ёзида асосий ҳужумлар амалга оширилиши ҳақидаги хабарлар олдин ҳам айтилганди. Лекин амалиётларнинг аниқ вақти номаълум эди. Режа бўйича яқин вақт ичида Афғонистондаги НАТО қўшинлари сони 150 минг нафарга етади.

**Интернет хабарлари асосида Феруза Самадова тайёрлади**

ХАБАРЛАР

## Тошкент олимпиада ўйинларига йўлланма беради

Шу йилнинг 7-16 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида оғир атлетика бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли мусобақада қитъанинг 30 та давлатидан спортчилар иштирок этиши кутилмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассиси Акром Низомиддиновнинг билдиришича, Осиё чемпионати баҳсларида спорт жамоалари шу йил Сингапурда ёшлар ўртасида ўтадиган илк олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмалар учун кураш олиб боришади.

Айни кунларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари катта мураббий Ойбек Турғунов раҳбарлигида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Осиё чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

## Тўгарак аъзолари биринчи

**Яқинда** Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги тиббиёт коллежида ўсмир ёшлар ўртасида армрестлинг бўйича республика чемпионати ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тиббиёт коллежи маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақада ўнта вилоятдан келган 150 нафар ёш спортчи ушбу қўл кураши тури бўйича ўзаро беллашишди.

Тўгарак ёш спортчилари ўтказилган мусобақада биринчи ўринни қўлга киритишди.

**Мусобақа** натижаларига кўра, 2-ўрин Навоий, 3-ўрин эса Тошкент вилояти спортчиларига насиб этди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**



© фото-Носир Хайдаров

# Мусиқа кўнгилни поклайди

**Мусиқа** киши қалбига қанчалик ҳузур бағишлашини сўз билан ифода этиш мушкул. Дилтортар наводан сеҳрланиб тебранаётган киши ҳолатини кузатганмисиз? Унинг куйга уйғун ҳаракатида кўнгилнинг ороми, руҳнинг тетиклашуви мужассам. Дарҳақиқат, санъат инсонни доимо эзгуликка, яратувчанликка чорлаб келади.

**Мамлакатимизда мусиқа ва санъат соҳасида бир йилда ўртача 50 га яқин кўрик-танлов, фестивал ва кўргазма ташкил этилса, 1000 га яқин оммавий томоша тадбири ўтказилади.**

Ёшларнинг мусиқа ва санъат соҳасидаги истеъдодларини рўёбга чиқариш мақсадида юртимизда кенг имкониятлар яратилган. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда мусиқа ва санъат соҳасида бир йилда ўртача 50 га яқин кўрик-танлов, фестивал ва кўргазма ташкил этилса, 1000 га яқин оммавий томоша тадбири ўтказилади. Энди бу рўйхатга вилоят ва шаҳарлар доирасида ўтказиладиган тадбирларни ҳам қўшсак, юртимизда болалар мусиқаси ва санъатига қай даражада ғамхўрлик кўрсатилаётганию унинг кўлами ва таъсири нечоғли кенглигини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Бу, аввало, баркамол авлод тарбиясига, мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар камолотига юксак эътиборнинг ҳосиласидир, — дейди Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаби директори Дилдора Жамолова. — Эсимда, бир пайтлар мусиқа соҳасида мамлакатимиз миқёсида саноқлигина танловлар бўлиб, уларни ёшлар йиллаб интизор кутишарди. Эндиликда эса имкониятлар майдони кенгайди. Шу ўринда фахр билан таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда ўтказилаётган кўрик-танловларда маҳорати ошган мактабимиз ёшлари дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги нуфузли санъат анжуманларида муносиб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Уларнинг юксак ғалабалари ортида жонажон Ватанимизнинг меҳру муҳаббати турибди, албатта.

**Ҳақиқатан,** истеъдодлар макони бўлган ушбу билим маскани тарбияланувчиларининг довруғи етти иқлимга етган. Улар Париж, Лондон, Рим, Москва, Нью-Йорк, Токио каби жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги муҳташам санъат кошоналарида ўз ижролари билан минглаб томошабинларни лол этганлигини санъат шинавандалари яхши билишади. Ўтган давр мобайнида бу маскандан 100 нафарга яқин халқаро танловларнинг лауреати етишиб чиқди. Азиз Шоҳакимов, Нилуфар Муҳиддинова, Нодира Дадамуҳамедова, Иноятхон Абдуллаева, Руслан Бек, Иван Денисенко, Беҳруз Неъматов каби ёшлар эса мусиқа мактабининг бугунги юлдузчалари. Улар ўзларига хос беғуборлик ёғдулари билан дунё санъатсеварларини ўзбек мусиқа ва санъат оламига мафтун эта билган ёшларимиздир.

Бу ерда таълим олаётган 623 нафар истеъдодларни Ватанга муносиб ёшлар этиб тарбиялашда 6 нафар профессор, 10 нафар фан номзоди, 7 нафар доцент ва қатор тажрибали мутахассислар тер тўкиб меҳнат қилишмоқда.

Бундан икки йил муқаддам, июнь ойида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида ўтказилган хайрия концерт кечаси нафақат маҳаллий мухлисларни, балки хорижлик томошабинларни ҳам ҳайрат ва ҳаяжонга солганди. Ўшанда 10-15 ёшли ўспиринларнинг мураккаб асарларни маҳорат билан ижро этиши, дирижёрлик пультини ишонч билан бошқаришини кўрган хорижликлар: «Ўзбек санъатининг, айниқса, болалар мусиқасининг келажаги камалак жилоларидек рангинки, улар томонидан яратилаётган гулдасталар ҳали кўплаб кишиларни санъатга ва бу орқали Ўзбекистонга чорлаб туради», дегандилар.

Ундан бери неча қишлар ўтиб, баҳорлар юртга поёндоз ёзди. Қанча истеъдодлар кашф этилди. Эътиборлиси, республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида, маҳаллаларида мусиқа ва санъат мактаблари, тўгараклари ташкил этилмоқда. Айниқса, жорий йилда мамлакатимизда 14 та болалар мусиқа ва санъат мактабини бунёд этишга киришилгани ёш талантларни кашф этиш имконияти кенгайишидан, келажакда дунё саҳналарида Ўзбекистон номини улуғлайдиган баркамол ёшлар сафи янада ортишидан далолатдир.

**Мамлакатимиз** Президенти Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг шу йил 10 мартда бўлиб ўтган йиғилишида таъкидлаганларидек, спорт танани пиширади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Иродаси мустаҳкам, ақли теран, кўнгли пок ва руҳан кучли инсонни эса енгиб бўлмайди. Юртимизда болалар спортини ривожлантириш ва ёшларни мусиқа ва санъатга кенг ошно этиш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ҳам аслида шунга қаратилган.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

МУЛЛАНАФАС ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ

Таваллудининг 200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланаётган атоқли туркман сўз санъаткори Мулланафас Қодирберди ўғли номи ўзбек халқи орасида ҳам машҳур.



# Етук сўз санъаткори

**Мулланафас** деганда биз «Гулистонима», «Ёдимга тушди», «Бари гал», «Бодом қовоқларингдан», «Булбул кўрдим», «Қизлар», «Боғ сайлига кетайлик», «Унутма», «Керак», «Орзу айлаб», «Намасан», «Севар ёрим бўлмаса», «Кўнглим» каби ўнлаб қўшиқларнинг муаллифи бўлган оташин шоирни кўз олдимизга келтирамиз. Бу қўшиқлар таниқли ҳофиз ва хонандаларимиз томонидан замонлар оша севиб куйланиб келинмоқда. Насру назм билан ёзилган «Зуҳра-Тоҳир» достони эса бахшилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олиб, сўзу соз уйғунлигида ижро этилган. Эл ичида кенг тарқалганидан бу шеърларнинг аксарияти ўзбек халқ қўшиқлари таркибига ҳам кириб кетган.

**Қадимий** ва бой анъаналарга эга туркман мумтоз адабиётининг Махтумқулидан кейинги забардаст ва машҳур намояндаси бўлган Мулланафас тахминан 1810 йили Туркманистон жанубидаги кўҳна Сарахс шаҳри атрофида туғилган. Отаси саводли киши бўлиб, болаларни ўқитиш билан шуғуллангани учун уни мулла Қодирберди дейишган. Унинг Оғажик бахши, Ўрдакберди, Ҳақберди ва Мулланафас деган ўғиллари бўлган.

**Мулланафаснинг** таржимаи ҳолига оид дастлабки маълумотларни таниқли туркман адабиётшуноси Ҳожали Мулла Муродберди ўғли 1906 йили тўплаб, машҳур рус шарқшунос олими, академик А.Н.Самойловичга юборган. Унда айтилишича, Мулланафас асли марилик бўлган.

**Мулланафас** отаси қўлида бошланғич саводни чиқариб, кейин қишлоқ мактабида — Маматсолиҳ эшон қўлида сабоқ олади. Шундан сўнг Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсилини давом эттиради. Араб ва форс тилларини, ўз даврининг асосий илмларини чанқоқлик билан эгаллаб, замонасининг фозил кишиси бўлиб етишади. У туркман мумтоз адабиётини, биринчи навбатда, Махтумқули асарларини мукаммал ўқиб, ўзлаштиради. Шу билан бирга, Аҳмад Яссавий, Имодиддин Насимий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий каби туркий сўз санъатининг улуғ вакиллари ижоди билан ҳам чуқур танишади. Туркман халқ оғзаки ижоди эса шоир илҳом чашмасининг манбаи бўлган.

**Қатор** шеърлари ва «Зуҳра-Тоҳир» достонида Шарқ адабиётида машҳур адабий қаҳрамонлар номининг учраши унинг Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий каби буюк шоирлар асарларидан ҳам етарли даражада хабардор бўлганлигини кўрсатади. Мадрасада таҳсил олиб юрган вақтларида у шеър ёзиш ва соз чалиш билан ҳам қизиққан. Соз чалиб, қўшиқ ҳам айтган. Ўқишни тугатгач, туғилган қишлоғига қайтиб, муллалик қилган.

**Таниқли** туркман олими, филология фанлари доктори Аннақурбон Ашуров Мулланафаснинг вафоти билан боғлиқ халқ ичида юрган кўплаб маълумотлар, олимларнинг бу ҳақдаги тадқиқотлари ва шоирнинг ўз шеърларидаги айрим ишораларни қиёслаш асосида унинг тахминан 1875 йили дунёдан ўтганини қайд этади. Ҳолбуки, шу пайтгача Мулланафаснинг вафоти санаси 1860 ва 1862 йиллар, деб кўрсатиб келинар эди. Шоирнинг қабри Мари вилояти Вакилбозор туманидаги Хожа Абдулла қабристонида.

**Ҳозирги** кунда Мулланафаснинг юздан ортиқ шеъри маълум. Унинг «Гўзал ёрни истаб», «Бир пари», «Тилла ғозим», «Гўзалим», «Туйса», «Нор кезгин», «Дуч бўлар» каби ўнлаб шеълари ўзининг гўзал шакли, теран мазмуни, ўлмас ғоялари ва юксак бадиияти билан замонлар оша ўқувчиларнинг эътиборини қозониб келмоқда.

**Мулланафас** XIX аср туркман лирик шеъриятининг машҳур намояндаларидан бири бўлиб, унинг етакчи анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди. Албатта, шоир ижодининг асосий қисмини ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлар ташкил этади.

**Қисқача** айтганда, Мулланафас сўзнинг беқиёс таъсир қудратини бутун қирралари билан теран ҳис қилган ва уни маҳорат билан ўзининг бадиий мақсади ифодасига тўла-тўкис хизмат қилдира олган етук сўз санъаткоридир.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

ТЎЙХОНА САБОҚЛАРИ

# Мебелингиз хорижникими?..

Дилбарга яна совчилар келди. Ота-онаси илгари келганларга: «Қизимиз ҳали ёш», дея жавоб бериб юборишарди. Энди эса қизи институтни тугатяпти. Қолаверса, совчилар обрўли оиладан келишибди. Улар сўзга чечан аёллар экан. «Қизингизни бу оилага узатсангиз ҳеч афсус қилмайсиз», «Ёшлар, албатта, бахтли бўлади», дея бири қўйиб, бири гапириб, уй бекаси Рисолат опани кўндиришга уринишди. Уй бекаси эса бу ҳақда хўжайини, қариндош-уруғлари билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келишини айтиб, меҳмонларни кузатиб қўйди. Совчилар кетгач, фарзандининг бахтини ўйлаб, ширин хаёлларга берилган Рисолат опа қизи дарсдан қайтиб келганини сезмай ҳам қолди.

— Ассалому алайкум, ойижон. Нималарни хаёл суриб ўтирибсиз? — қизининг овозидан ҳушёр тортган она уни ёнига чақирди-да:

— Қизим, бугун совчилар келишди. Қўшни маҳалладаги Замира опанинг ўғлидан. Ёмон оила эмас. Биз ҳали отанг билан маслаҳатлашамиз. Сен ўғли билан бир гаплашиб кўр, — деди. Қиз индамади.

**Кечқурун** Рисолат опа турмуш ўртоғига совчилар келганини, қизи учрашишга рози эканлигини айтди. Орадан икки кун ўтгач, совчилар яна келишди, қизнинг учрашувга рози бўлганини эшитиб, хотиржам уйларига қайтишди.

Хуллас, тўй куни белгиланди. Икки томонда ҳам тайёргарлик авжида. Ёш оила учун олинган мебеллар қуданинг уйига жўнатилди. Жиҳозлар бўлажак қайнанага ёқмади чоғи, лабини бурди.

**Орадан** бир-икки кун ўтиб, қудалар келиннинг уйига келишди. Салом-аликдан сўнг катта қуданинг ишораси билан куёв боланинг аммаси гап бошлади:

— Шу десангиз, биз бу ерга мебелларингизни бошқасига алмаштириб беришингизни айтгани келдик. Кўнглингизга олмангу, жиҳозлар ўзимизда ишлаб чиқарилган экан. Биз чет элники бўлсин, дегандик...

Бир неча сония давом этган оғир сукунатдан сўнг келиннинг бўлажак қайнанаси гапни давом эттирди:

— Билсангиз, дўст ҳам, душман ҳам атрофимизда. Биттаю битта ўғлим бўлса. Орзу-ҳавасли бўлайлик, дейман-да. Бу мебелларни кўрганлар устимдан кулишларини хоҳламайман. «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», деб айтишади-ку.

**Бундай** гаплардан кейин Рисолат опа бир лаҳза ўйланиб қолди. Жиҳозларни алмаштириб бериш... Бу айтишгагина осон. Чет элникидан ҳеч қандай фарқи йўқ-ку. Бу гапни турмуш ўртоғига қандай айтади? Рисолат опа шуларни ўйлар экан, ҳозироқ қудаси билан келишиб олишга қарор қилди:

— Қудажон, биласизми, — дея ийманиб гап бошлади у. — Биз мебеллар қизимизга ёққани, қолаверса, ҳамёнбоплиги учун олганмиз. Ахир, болаларимизнинг бахтини мебелнинг қимматбаҳолиги ёки хорижники экани белгиламайди-ку. Бундан ташқари, бошқа фарзандларимизнинг ҳам бўйи етиб қолган. Яхшиларини болаларимизнинг пешонасига берсин. Бизни ҳам тўғри тушунинг.

Шу гапни кутиб турган эканми, қуда хола ловуллаб кетди:

— Бизни яхши тушунмаган кўринасиз? Мебелларингизни чет элникига алмаштириб бермасангиз, тўй бўлмайди!

Эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетган қудалар бутун оиланинг тинчини бузди. Шу куни кечга яқин Абдумажид оқсоқол йиғин идорасидаги ишларини тугатиб, йўл-йўлакай тўйга тайёргарлик кўраётган бу хонадонга «Ҳорманг», дейиш учун кирди. Тушкун кайфиятда ўтирган уй эгаси қудалар билан бўлган воқеани сўзлаб берди. Оқсоқол қудаларни бир жойга йиғиб, тўй ҳақида гаплашиб олишга қарор қилди. Суҳбатдан маълум бўлдики, йигитнинг отаси ҳам мебелларнинг алмаштирилишига қарши экан. Маҳалла фаолларининг насиҳати, тушунтириши билан иккала томон муросага келди. Асосийси, ёшларнинг бахтли бўлиши, қимматбаҳо мебеллару дабдабали тўйга боғлиқ эмаслигини улар тушунишди.

**Бундай** муаммоларнинг юзага келмаслиги учун маҳаллаларда Тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш комиссиялари фаолият олиб бормоқда. Шундай комиссиялардан бири фаолияти билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалласида бўлганимизда оқсоқол Абдумажид Абдуллаев юқоридаги воқеани сўзлаб берди.

— Ҳудудимизда тўй ва маросимлар тавсия ва режалар асосида камчиқим, исрофгарчиликсиз ўтказилаётир. Тўйлар муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни, маросимларни ортиқча харажатсиз ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш оилалар моддий аҳволига салбий таъсир этиши тўғрисида аҳоли ўртасида ўтказаётган тушунтиришларимиз ўз самарасини бермоқда. Хотин-қизлар орасида авжига чиққан «тоғорабозлик»ни бизнинг маҳалламиздаги тўйларда учратмайсиз. Ортиқча дабдаба билан пулни кўкка совургандан кўра, ёш оилага зарур жиҳозлар олиб берилса, фойдали эканини фуқаролар англаб етишди. Ёш келин-куёвни қадимий шаҳарларимизга саёҳатга юбориш ҳам маҳалламизда урф бўлган, — дейди фуқаролар йиғини раиси А.Абдуллаев.

**Нодира ХОЛМИРЗАЕВА**

ҲАР ҚИШЛОҚНИНГ АФАНДИСИ БОР

# Мен шу ердаман

**Исмат** ака туман марказидан қишлоққа қайтаётган эди. Қор майдалаб ёғиб турибди. У пайтларда машина кам, одамлар кўпинча туман марказига пиёда қатнарди. Бундан ташқари, туман маркази ҳам унчалик узоқ эмас, икки-уч чақирим.

Йўлда борар экан, бир отлиқ киши етиб келиб:

— Ассалому алайкум, бобо, —дебди.

Исмат ака ортига қайрилиб қараса, қўшниси Раҳмат ака экан. У қишлоқнинг қўйини боқар, сал довдирроқ одам эди. Қорда Исмат аканинг қошлари, соқоллари оқариб кўрингани учун Раҳмат ака танимабди. Исмат аканинг шумлиги тутибди:

—Ваалайкум ассалом, ўғлим.

—Йўл бўлсин, бобо?

—Қарабчига.

—Отга мингашиб оласизми?

Исмат ака отга мингашибди. Йўл-йўлакай суҳбат яна давом этибди.

— Кимникига боряпсиз, бобо? — сўрабди Раҳмат ака.

— Исматникига. Отаси Ҳайдар чол билан урушда бирга хизмат қилганман. Ҳайдарни яқинда оламдан ўтди, деб эшитдим. Фотиҳага келяпман. Илгари ҳеч келмаганман. Қарабчигача узоқми?

— Йўқ. Икки чақирим келади. Ҳа, раҳматли Ҳайдар ака ҳам ўтиб кетди.

— Яхши одам эди. Фронтда мени ўлимдан қутқариб қолган. Қишлоққа келмаган бўлсам-да, Ховоснинг бозорида тез-тез учрашиб турардик. Мен ўша ерда қимиз сотаман. Уйим тоғда, Жалаерда.

Улар йўл бўйи суҳбатлашиб келишибди. Қишлоққа келгач, Раҳмат ака отини тўғри Исмат аканинг ҳовлиси томон буриб, дарвоза олдида тўхтабди-да:

—Исмат, ҳо Исмат, — деб чақирибди.

Исмат ака отдан секин тушиб, Раҳмат акага юзланиб дермиш:

—Нега бақирасан? Мен шу ердаман-ку.

—Нима?!

Раҳмат ака бир сўкинибди-ю, отини орқага буриб, қамчи босибди.

**Б.БОБОЁРОВ**